

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

*УДК 342.4 (575.1)*

**ШЕРМАТОВ ШОХРУХБЕК ШУХРАТОВИЧ**

**ДЕПУТАТ ВА СЕНАТОРЛАР ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
АВВАЛ ТЎХТАТИШ АСОСЛАРИ ВА МЕХАНИЗМИ**

**5А240101 – Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви (Конституциявий  
ҳуқуқ; маъмурий ва моллия ҳуқуқи; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва  
тарихи)**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
ю.ф.н. Хусайнов У.Ш.**

**Тошкент - 2014**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	<b>1</b>
<b>I боб. Вакиллик ҳокимияти тизимида депутат ва сенатор фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари</b> .....	<b>11</b>
<b>1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати – давлат олий вакиллик органи ва қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоси сифатида</b> .....	<b>11</b>
<b>1.2. Олий Мажлис Сенати аъзоси –худудий вакиллик палатаси ва қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоси сифатида</b> .....	<b>20</b>
<b>I боб бўйича хулоса</b> .....	<b>25</b>
<b>II боб. Депутат ва сенатор ваколатининг муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда императив мандатнинг умумий тавсифи</b> .....	<b>27</b>
<b>2.1. Чақириб олиш институтининг ҳуқуқий табиати, асослари ва амалга ошириш механизми</b> .....	<b>27</b>
<b>2.2. Чақириб олиш императив мандат, бевосита демократияни амалга ошириш шакли ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида</b> .....	<b>40</b>
<b>2.3. Хорижий мамлакатларда парламент аъзоси ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг ҳуқуқий асослари</b> .....	<b>48</b>
<b>II боб бўйича хулоса</b> .....	<b>57</b>
<b>III боб. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш жараёнини амалга оширишга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалари</b> .....	<b>60</b>
<b>3.1. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) асосларининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари</b> .....	<b>60</b>
<b>3.2. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тартиб таомилларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари</b> .....	<b>68</b>
<b>III боб бўйича хулоса</b> .....	<b>77</b>
<b>Хулоса</b> .....	<b>78</b>
<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>83</b>

## Кириш

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар қаторида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислохотлар жамият сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида ўзининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта ўринга эга. Айниқса, олий вакиллик ва қонун чиқариш функциясини бажарувчи парламент фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир.

Айниқса, икки палатали парламентнинг шакллантирилиши давлат қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, халқ ҳокимиятини тўлиқ таъминлашни назарда тутди. Демократик ҳуқуқий давлати шакллантириш, ўз навбатида, бир қатор ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ мураккаб ва давомли сиёсий жараёндир.

Зеро, Президент И.А.Каримов Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисида таъкидлаганларидек, “...ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалалари эътиборимиз марказида туриши керак”<sup>1</sup>. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган барча ислохотларнинг босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилиши бевосита парламент ислохотларига ҳам тааллуқлидир.

Хусусан, парламентаризмни ривожланиши билан боғлиқ юртимизда кечаётган мазкур чуқур ўзгаришлар сайланадиган шахслар ва сайловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммосига янгича назар ташлаш имконини беради. Шу билан бирга, вакиллик органларини ташкил этишнинг умумий принциплари муайян бўшлиқларга эга. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда депутатлар ва сайланадиган бошқа мансабдор

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 22-б.

шахсларнинг жавобгарлигини тартибга солиш билан боғлиқ ноаниқликликлар кўпинча турли хил ҳуқуқий коллизияларнинг келиб чиқиши учун замин яратмоқда.

Диссертация мавзусининг долзарблиги, *биринчидан*, депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тартиб таомилларини миллий қонунчиликда ҳар томонлама тўлиқ тартибга солиш мақсадида унинг моҳиятини парламент ва маҳаллий кенгашлар миқёсида назарий англаш заруриятининг мавжудлиги билан боғлиқ. *Иккинчидан*, депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тартиб таомилларини амалга ошириш жараёнларида вужудга келаётган ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ечиш талаб этилаётганлиги билан белгиланади.

Жорий йилнинг 16 апрелида Президент ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонунни мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, парламент иши самарадорлигини оширишга хизмат қилган ҳолда ислохотларни таҳлили бўйича юридик фанлар олдига янги вазифаларни қўймоқда.<sup>2</sup>

Депутат, сенаторлар ва сайланадиган бошқа мансабдор шахслар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) масаласи конституциявий ҳуқуқда анча муаммоли масалалардан бири саналади. Бу, аввало, шу билан боғлиқки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида депутат, сенаторлар ва сайланадиган бошқа мансабдор шахсларни сайловчилар олдида ҳисобдорлиги принципини бевосита мустаҳкамланишидан воз кечилганлигида намоён бўлади. Бироқ, амалдаги миллий қонунчилигимизда айрим ҳолларда бундай бевосита демократияни амалга ошириш шаклини қўллашни назарда тутати. Депутат ва сенаторларни

---

<sup>2</sup><http://www.senat.uz>

чақириб олиш масаласига оид тартиб ва таомиллар қонун ва қонуности ҳужжатларида бирмунча батафсилроқ ўз аксини топган. Табиийки, бу масалани конституция даражасида очик қолиб кетилишини қандай талқин қилиш ва сайлаб қўйиладиган шахслар жавобгарлиги шаклини қонунлар даражасида тартибга солишга оид саволлар туғилади.

Хорижий мамлакатларда сайланадиган шахсларнинг сайловчилар томонидан чақириб олиниши жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, ўз қонунчилигида чақириб олиш тартиботи белгиланган мамлакатларда ҳам, одатда, ундан маҳаллий даражаларда фойдаланилади. Айни пайтда, чақириб олиш каби конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликнинг бундай шаклидан фойдаланиш амалиётига оид тажриба шуни кўрсатадики, қонунчиликда учрайдиган ноаниқлик ва қарама-қаршиликлар, ягона ёндашув ва принципларнинг мавжуд эмаслиги унга оид тегишли тартиб ва таомилларни амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Чақириб олиш институти моҳиятини ўрганиш, чақириб олиш тартибларини амалга ошириш бўйича миллий ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қонунчилигимиздаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни тадқиқ қилиш диссертацияда чақириб олишга доир зарур материалларни йиғиш ва унинг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича таклифларни шакллантириш имконини берди. Шунингдек, миллий давлатшунос олимларимиз ишларида етарлича эътибор қаратилмаган жиҳатлар кўриб чиқилди, тадқиқот мавзуси бўйича илмий баҳолаш амалга оширилди ҳамда айрим баҳсли ҳолатлар бўйича фикрлар билдирилди.

Қонун ҳужжатларида ваколатни муддатидан илгари тугатишни (чақириб олишни) аниқлашда тадқиқ этилаётган институтни тавсифловчи бир неча тушунчалар қўлланилади: “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, “фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш”, “Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш”, “депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш” “депутат ва сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш” ва бошқалар. Илмий тадқиқотда ҳам худди қонунчиликдаги каби парламент аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш (чақириб олиш) мазкур муаммо турли жиҳатларда ҳар томонлама ёритилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, чақириб олиш институтини концептуал жиҳатдан белгиловчи учта жиҳат мавжуд: биринчидан, чақириб олиш императив мандатнинг таркибий қисми сифатида; иккинчидан, чақириб олиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида; учинчидан, чақириб олиш бевосита демократия шакли (институти) сифатида. Чақириб олишнинг мазмунини очиб берувчи санаб ўтилган мазкур жиҳатлар депутат ва сайланадиган бошқа шахслар ваколатини муддатидан илгари тугатиш шаклини бошлаш учун асосий шароитларни яратувчи принциплар билан белгиланади.

Кўриб чиқиладиган институтнинг моҳиятидан келиб чиқиб, чақириб олиш принципларини таснифлаш таклиф этилмоқда. Жумладан, уларни икки гуруҳга ажратиш – чақириб олишнинг мазмунини очиб берувчи моддий принциплар; бевосита овоз бериш жараёнини тавсифловчи процессуал принциплар.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Тадқиқот объекти сифатида депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш асослари ва механизмини танланиши мазкур институтнинг айнан юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билан белгиланади. Тадқиқот **объектини** қуйидагилар ташкил қилади: 1) Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзоси ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ масалалар юзасидан юридик фанда мавжуд

бўлган илмий-концептуал ёндашувлар, ғоя, принцип ва категориялар; 2) депутат ва сенаторларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш (чақириб олиш) фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатлари; 3) чақириб олиш институтини амалга ошириш механизми. Тадқиқот *предметини* депутат ва сенатор фаолиятининг ҳуқуқий асослари, улар ваколатларининг юзага келиш ва бекор бўлиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар амалий фаолиятининг асосий йўналишлари, сайловчилар, давлат органлари, мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатларига доир долзарб ҳуқуқий муаммолар ташкил этади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва сенаторлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, ваколатларини муддатидан илгари тугатишни (чақириб олиш) конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан ўрганиш ҳамда уларни янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Диссертациянинг вазифалари** белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

- вакиллик ҳокимияти тизимида депутат ва сенатор фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзосининг давлат олий вакиллик органи ва қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоси сифатида тутган ўрнини аниқлаш;

- депутат ва сенатор ваколатининг муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ёритиш ҳамда императив мандатнинг умумий тавсифи хусусиятлари очиқ бериш;

- чақириб олиш институтининг ҳуқуқий табиатини очиқ бериш, унинг ҳуқуқий асослари асослари ва амалга ошириш механизмини тадқиқ қилиш;

- чақириб олиш императив мандат, бевосита демократияни амалга ошириш шакли ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида таҳлил қилиш;

- хорижий мамлакатларда парламент аъзоси ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг ҳуқуқий асосларини қиёслаш;

- депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш жараёнини амалга оширишга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалари тадқиқ этиш;

- депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) асосларининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари таҳлил қилиш асосида таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш;

- депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тартиб таомилларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини аниқлаш, улар ечими ва такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.**

1. Парламент, унинг палаталари, депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тўғрисидаги тушунчалар, ундан кўзланган мақсад ва уларнинг ижтимоий вазифалари ҳамда амалга ошириш усуллари билан боғлиқ бўлган таҳлиллар.

2. Икки палатали парламент фаолиятида депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатишга (чақириб олиш) доир асосий принциплар таҳлили ва ўзаро муносабатлар тизими.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ташкил этиш, депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан фикрлар, парламент аъзоларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни иш

фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ таклиф ҳамда мулоҳазалар.

4. Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари фаолияти самарадорлигини таъминлаш жараёнида уларнинг мустақил фаолияти, унинг ҳуқуқий кафолатлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутат ва сенаторларининг қонунчилик соҳасидаги ўзаро муносабатлари ва унинг ҳуқуқий табиатига оид мулоҳазалар, бунинг ваколатни муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтига таъсири.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ва сенаторларининг ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш)ни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар таҳлили, уларнинг ривожланиш истикболлари ҳамда амалиётдаги натижалар мазмуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси мақоми тизимида чақириб олишнинг императив мандат, бевосита демократияни амалга ошириш шакли ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатидаги ҳуқуқий табиатига баҳолар ва уни самарали амалга оширишга оид таклифлар.

8. Хорижий мамлакатларда парламент аъзоси ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг ҳуқуқий асосларининг комплекс ва қиёсий таҳлили.

9. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) асосларининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари таҳлили, тартиб таомилларини амалга оширишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар.

10. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) асосларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқиш чоғида сиёсий партиялар, парламент тузилмалари, бошқа давлат органлари иштирокига оид фикр-мулоҳазалар.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Мустақиллик даврида миллий парламентни шакллантириш ва ролини ошириш соҳасидаги демократик ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аъзолари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) асослари ва механизми билан боғлиқ масалалар алоҳида мустақил тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Бинобарин, депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатишга оид умумий масалалар парламент фаолият сифатини юксалтириш, уларнинг масъулиятини ошириш каби жиҳатлар қисман илмий адабиётлар ва мақолаларда ёритилган.

Давлат ҳокимияти тизимида вакиллик ва қонунчилик ҳокимияти органининг тутган ўрни, ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг умумий жиҳатларини илмий-назарий нуқтаи назардан ўрганган ҳуқуқшунос олимлар А.А.Азизхўжаев<sup>3</sup>, С.М.Адилходжаева, З.М.Исломов, Ф.Х.Рахимов, С.А.Султанов, А.Т.Тўлаганов, И.М.Собиров, Э.Ҳ.Халилов<sup>4</sup>, Ҳ.Т.Одилқориев, О.Т.Ҳусанов, М.Ражабова, А.Қ.Рахимов, Ҳакимов Р.Р., С.А.Аббосхўжаев, О.З.Мухамеджанов<sup>5</sup>, Ш.Х.Зулфиқоров, С.Ўрозбоев, О.К.Турғунов, Э.Т.Ҳожиев, У.Ш.Хусаинов ҳамда хорижий олимлардан

---

<sup>3</sup> **Қаранг:** Азизхўжаев А.А. Теоретические проблемы правоохранительной деятельности представительных органов государственной власти: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент: ИФиП АН Республики Узбекистан, 1992. – 41с.; Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 112 б.; Адилходжаева С.М. Глобализация и стратегия государства. – Ташкент: ТГЮИ, 2007. – 130 с.; Исламов З.М. Общество, государство, право. – Ташкент: Адолат, 1997. – 244 с.; Рахимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 2001.– 43 с.;

<sup>4</sup> **Қаранг:** Султанов С.А. Органы государственной власти Республики Узбекистан. Становление и основные этапы развития. (1917 – 1937): Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент: 1994. – 48 с.; Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимияти вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. – Тошкент: Университет, 1996. – 196 б.; Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент: 2000. – 45 б.

<sup>5</sup> **Қаранг:** Аббосхўжаев С.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2007. – 175 б.; Зулфиқоров Ш.Х. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 176 б.; Мухамеджанов О. З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент: 2004. – 349 б.

Н.А.Петрова, И.С.Данилов, С.А.Лихачев, Л.А.Нудненко, И.П.Окулич, А.И.Радченко, И.О.Черниговларнинг<sup>6</sup> илмий тадқиқот ишларида ўзининг илмий-амалий ифодасини топган.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тадқиқот назарий-методологик асосларини Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда парламент ва унинг палаталари аъзоларининг ўрни ва ролига оид фикрлари, кўрсатмалари ташкил қилади.

Тадқиқотни амалга оширишда тарихий, дилектик, қиёсий-ҳуқуқий, формал-мантиқий, статистик, тизимлаштириш ва илмий билишнинг бошқа усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг назарий ва амалий хулосалари Олий Мажлис аъзолари фаолиятини янада такомиллаштиришда, “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи”, “Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳуқуқи” фани ва “Ўзбекистон Республикаси парламент ҳуқуқи” ўқув курсини ўқитиш ҳамда ҳуқуқшуносликнинг тегишли йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ишнинг илмий янгилиги** тадқиқот мавзусига оид мавжуд адабиётларни илмий ўрганиш ва таҳлил этиш асосида Олий Мажлис депутат ва сенаторлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ назарий, ҳуқуқий ва амалий

---

<sup>6</sup> **Қаранг:** Петрова Н.А. Конституционно-правовой институт отзыва в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02, 2006, 211 с.; Данилов И.С. Депутатский (парламентский) мандат в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2002. – 23 с.; Лихачев С.А.. Участие депутатов Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации в законодательном процессе: Дис. ... д-ри. юрид. наук. – М., 2003. – 183 с.; Нудненко Л.А Конституционно-правовой статус депутата законодательного органа государственной власти в Российской Федерации. – СПб.: Изд-во “Юридический центр Пресс”, 2004. – 475 с.; Окулич И.П. Депутат законодательного (представительного) органа государственной власти субъекта Российской Федерации: правовой статус, природа мандата, проблемы ответственности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2003. – 23 с.; Радченко А.И. Статус народного депутата Украины: проблемы теории и правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Киев, 2005. – 19 с.; Чернигов И.О. Особенности правового статуса депутата Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации, избранного от политической партии: Автореф. дис. ... д-ри. юрид. наук. – М., 2007. – 22 с.

масалалар конституциявий ҳуқуқ фани нуқтаи назаридан алоҳида мавзу сифатида илк маротаба тадқиқ этилганидир.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация кириш, еттита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 80 бетни ташкил қилади. Тадқиқот ишида 100 га яқин адабиётдан фойдаланилган.

## **I боб. Вакиллик ҳокимияти тизимида депутат ва сенатор фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари**

### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати – давлат олий вакиллик органи ва қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоси сифатида**

Бугунги кунда дунё мамлакатлари амалиётида давлат тузилишининг шаклидан қатъий назар демократик йўлдан ривожланаётган давлатларда олий вакиллик органларининг аксарият кўпчилиги кўпчилиги икки палатадан иборат. Бу ҳол биринчи навбатда, вакиллик ҳокимиятининг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрнини белгилаб берса, иккинчи навбатда, бевосита парламент аъзолари ҳисобланган – депутат ва сенаторлар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асослари қай даражада эканлигини белгилаб берувчи муҳим омиллардан саналади.

Ана шу боис биз танлаган мавзуга оид тадқиқотни амалга оширишда аввало вакиллик ҳокимияти тизимида депутат ва сенатор аъзо бўлган органлар фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ўрганиб чиқиш лозим. Чунки бу жиҳатлар депутат ва сенатор ваколатини муддатидан олдин тўтатиш ва чақириб олиш институтини умумий қиёфасини илмий англашда катта роль ўйнайди. Шунинг учун масалани ёритишда режа мувофиқ муаммоларни мантиқий кетма кетликда таҳлил қилиб борамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳуқуқий мақоми ва палаталарни шакллантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (XVIII боб, 76–88-моддалар)<sup>7</sup>, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2013 йил, 40 б.

Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунлари, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) қонунларида ва палаталарнинг регламентларида белгилаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил” деб белгиланган.

Қонунчилик палатаси – Олий Мажлиснинг қуйи палатаси бўлиб, қонунлар қабул қилиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Қонунчилик палатаси 150 депутатдан иборат таркибда иш олиб боради.

Депутат – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг янада самарали моделини яратиш ҳамда унинг мақомини белгилаш билан боғлиқ тадбирлар изчиллик билан олиб борилди. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, “давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар натижасида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи –

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди”<sup>8</sup>.

Ҳозирги замон конституцияшунос олимлар ҳамда амалиётчиларнинг илмий ва сиёсий нуқтаи назарларида қонунчилик ҳокимиятини ташкил этишнинг шакли сифатидаги икки палатали тизимга, бикамерализмга баҳо беришда турли хил ёндашувларни кузатиш мумкин. Бу ғоянинг айрим тарафдорлари бикамерализм тизми қонунчилик ҳокимиятининг реал демократик табиатини таъминлайди, деган фикрни илгари сурадилар. Бироқ икки палатали парламентлар самарадор эмаслигини ва кўпроқ иқтисодий харажатларни талаб этишини таъкидловчи тарафдорлар ҳам йўқ эмас<sup>9</sup>. Уларнинг фикрича, халқ манфаатлари вакиллиги нуқтаи назаридан депутатлари бевосита фуқаролар томонидан сайланган бир палатали парламент кўп жиҳатдан демократия идеалларига жавоб беради. Бу борада оралиқ позицияни эгалловчи тарафдорлар ҳам борки, улар бир томондан икки палатали тизим ижобий ҳодиса сифатида майдонга чиқишини, иккинчи томондан эса ривожланишни чеклашини ва демократия талабларига жавоб бермаслигини эътироф этишади.<sup>10</sup>

Тўғри, бир палатали парламентнинг ўз шаклланиш механизми ва қонун ҳужжатларини тез қабул қилиши билан икки палатали парламентга нисбатан муайян афзалликка эга, деб айтиш мумкин. Бироқ, айнан ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан биринчи позиция тарафдорларининг фикри тўғри. Чунки асосан сиёсий партиялар манфаатларини, муайян аҳоли гуруҳи қатлами манфаатларини ифода этувчи бир палатали парламентдан, ўз вакиллари орқали ҳудуд манфаатларини марказий миқёсда ифода этиш ва уларни ҳимоя этишга йўналтирилган икки палатадан иборат бўлган парламент ҳақиқий вакиллик функциясини

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 37.

<sup>9</sup> Ўрозбаев С.О. Олий Мажлис Сенати кўмити ва комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 177 б.

<sup>10</sup> Қаранг: Конюхова И.А. Двухпалатность как принцип организации национальных парламентов: о опыт России и мировая практика. // «Журнал российского права», № 1, январь 2004 г.

базаради ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва қонунчилик воситасида уларни ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, қонун чиқариш жараёнининг самарадорлигини оширишда, қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш ва парламентнинг бошқа муҳим назорат ваколатларининг амалга оширилишини таъминлашда икки палатали парламент, хусусан унинг юқори палатаси ўрни ва роли ниҳоятда катта аҳамият касб этади.<sup>11</sup>

Президент И.А.Каримов “Икки палатали парламентга ўтишдан асосий мақсад - парламентнинг ҳаётимиздаги ўрнини ошириш, қонунчилик ҳокимиятини кучайтиришдир. Негаки, бунда парламентимиз фаолияти янги босқичга кўтарилади, унинг ваколатлари анча кенгаяди. Аввало, қуйи палатанинг иши анча ўзгаради. Бу палата эртага доимий фаолият кўрсатувчи, профессионал органга айланади. Унга депутат бўлиб келадиган одамлар таркиби ҳам, сўзсиз, ўзгаради. Унинг моҳияти, иши, кўриладиган масалалар, қабул қилинадиган қонунлар сифати ўзгаради. Депутатлар бир чоракда йиғилиш билан чекланмасдан, ҳаётни чуқурроқ ўрганади, уларни сиёсий ўзгаришлар, ислохотларга таъсир қилиш имкониятлари кенгаяди” дея таъкидлаган.<sup>12</sup>

Олий Мажлис ўзининг том маънодаги ҳуқуқий моҳияти билан олий вакиллик органи ҳисобланиб, бу аввало унинг ташкил бўлишида, Ўзбекистон фуқароларининг бевосита иштирок этишида яққол кўринади. Депутатлар орқали у ўзида вакиллик ва бевосита демократия хусусиятларини мужассамлантира олади, таркибида иш олиб борувчи депутатлар фуқароларнинг вакилидир, улар ўз ваколатини сайловчилардан

---

<sup>11</sup> Ўрозбаев С.О. Олий Мажлис Сенати қўмита ва комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 177 б.

<sup>12</sup> И.А.Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами. 21-22 бетлар.

олади, улар номидан иш олиб боради. Сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятида бевосита иштирок этади.<sup>13</sup>

Профессор О.Хусанов фикрича “депутатлар бор маҳорат, билим ва тажрибаларни ишга солиб, сайловчилар, халқ, ҳудудий ва партиявий манфаатлар муштараклигига эришишни кўзлаб фаолият олиб борганларидагина асосий мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун халқ олдидаги жавобгарлигини ҳис этиб, уларни талаб-истак, хоҳишларини рўёбга чиқаришда иштирок этиши уларнинг асосий бурчидир”.<sup>14</sup>

Депутат фаолияти ва вазифалари хусусида илмий адабиётларда турли тушунчалар, таърифлар берилган. Жумладан, профессор А.Азизхўжаев томонидан қуйидаги таъриф келтирилган: “Депутат – давлат ҳокимияти вакиллик органларида иш олиб боровчи халқ вакилидир. У сайлов йўли билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бориш учун ваколат олади. Депутатлар маълум муддатга сайланадилар”<sup>15</sup>. Депутат вакиллик органлари ва сайловчилар билан мунтазам равишда узвий алоқада бўлади ва шу аснода белгилаб қўйилган муддат мобайнида фаолият олиб боради.

Депутат – бу сайланган шахс бўлиб, халқ талабларини маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида бажарилишини таъминловчи вакилдир<sup>16</sup>. Бу таърифга мувофиқ, депутатлар фақатгина маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида ўзи учун овоз берган сайловчиларнинггина талаб ва хоҳишларини бажариши лозим бўлиб қолади. Бу эса депутатларнинг бутун халқ манфаатларини ифодаловчи шахс сифатида берилган таърифга мос келмайди.

Президентмиз 2005 йил 28 январда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқида: “Ҳеч шубҳасиз, менинг назаримда,

<sup>13</sup> Қаранг: Хусанов О.Т. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари: (Ўқув қўлланма) // Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. – Тошкент: Шарқ, 1996.-16 б.

<sup>14</sup> Хусанов О. Ваколат ва маъсулият // Ҳаёт ва қонун, 2005.- №1. – Б.3.

<sup>15</sup> Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли лухат). Азизхўжаев А., Хусанов О., Азизов Х. – Тошкент: ИИВ Академияси, 2001.- 39 б.

<sup>16</sup> **Қаранг:** Выдрин И.В., Кокотов А.Н. Муниципальное право России. М.: 1997. - С.150-151.

депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади”<sup>17</sup>, деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳуқуқий мақоми, ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан ва ўзбек халқининг миллий урф-одат меъёрларидан келиб чиқиб, ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий асосларига эга бўла бошлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг ҳуқуқий мақоми, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган Қонунида мустаҳкамланган<sup>18</sup>.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг мазмунини таҳлил этиб, профессор О.Т.Хусанов қуйидаги фикрларни билдирган: “Ушбу қонунда депутат мақомига тегишли бўлган барча масалаларни – кимлар депутат бўлиши; уларнинг ваколат муддатлари; депутатликни тасдиқловчи воситалар; депутатнинг Олий Мажлисидаги иши каби масалаларни қонуний асосда мустаҳкамланганлигини; депутатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини; депутатларнинг сайловчилар, сиёсий партиялар билан олиб борадиган ишларини; депутатнинг парламент сўровини; депутат одобини ўз ичига қамраб олган”<sup>19</sup>.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ва тегишли тарзда қафолатланган

---

<sup>17</sup> Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 182 б.

<sup>18</sup> **Қаранг:** Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005й. - №1. - 8 - модда.

<sup>19</sup> Хусанов О. Ваколат ва маъсулият // Ҳаёт ва Қонун. 2005.- №1. – Б.3.

хуқуқ ва мажбуриятлар мажмуидан иборат. Депутатлик ҳуқуқий мақомининг ижтимоий-сиёсий моҳияти шундаки, биринчидан депутат – ваколатли халқ вакили, иккинчидан – давлат ҳокимият вакили, учинчидан эса, коллегиял вакиллик органининг аъзоси.

Депутатлик мақоми билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши депутатлик фаолиятини тўсиқларсиз ва самарли амалга оширилишини таъминлайди, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда депутатнинг халқ ва жамият олдидаги мажбуриятини кучайтиради.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига сайланади. Шу муддат даврида депутатлар ўзларига юклатилган вазифаларни қонун асосида амалга оширадилар.

Парламентларнинг қуйи палаталари кўпинча юқорида санаб ўтилган махсус принциплардан ташқари, сиёсий хилма-хиллик ва кўппартиявийлик принципига асосланади. Мазкур принцип партиявий мансубликка қараб сиёсий партиялар манфаатларини ифода этувчи фракциялар ва депутатлик гуруҳлари фаолиятида намоён бўлади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ Қонунчилик палатасининг фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошкораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга ҳамда Қонунчилик

палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланади <sup>20</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунда депутат фаолиятининг принципларини белгиловчи муҳим қоидалар мавжуд бўлиб улар қуйидагилардан иборат: айти бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги, Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги, Қонунчилик палатаси депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланиши, у Қонунчилик палатасининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, камоққа олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмаслиги, Қонунчилик палатаси депутати унинг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланиши, Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда муддатидан илгари тугатилиши мумкинлиги кабилар.

Ш.Х.Зулфиқоровнинг фикрича, Олий Мажлис палаталарининг мақомини белгиловчи Конституциявий қонунларда палаталарнинг кўмиталари ваколатлари мустақамлангани ҳолда, қуйи ва юқори палаталар аъзоларининг палаталар ваколатлари доирасига кирувчи барча масалалар юзасидан эркин фикр билдириши ҳуқуқлари кафолатланмаган. Ваҳоланки, мазкур кафолат конституциявий аҳамиятга эга бўлиб, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда

Республикаси Қонунида эмас, балки Конституциявий қонунларда белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик палатасида доимий асосда фаолият олиб боради. Илгариги фаолият олиб борган бир палатали Олий Мажлис депутатларидан шуниси билан фарқ қиладики, эндиликда Қонунчилик палатаси депутатлари ўз иш фаолиятига профессионал тарзда ёндашиб, ўзининг касбий фаолияти эканлигини чуқур англаб етган ҳолда иш олиб боради. Қайд қилиш лозимки, илгариги бир палатали Олий Мажлис депутатларининг маълум бир қисмигина доимий асосда фаолият кўрсатган.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас <sup>21</sup>. Депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши, ўзининг асосий вақтини сайланган ишига бағишлаши лозим. Акс ҳолда унинг ваколоти муддатидан олдин тугатилиши механизмлари ишга тушиб кетади. Бу тўғрисида кейинги бобларда фикр юритамиз.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қонунда мустаҳкамланган Қонунчилик палатаси депутати “илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари” деган жумлага қўшимча сифатида, “ижодий фаолиятдан ташқари” тушунчасини киритса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, Россия, Украина, Белорусь давлатлари амалдаги қонунларига эътиборимизни қаратсак ҳам, бундай қонундан кўришимиз мумкин. Бу ерда Қонунчилик палатаси депутатларининг ёзувчилик, рассомлик ва бошқа иждодий фаолият олиб бориш шакллари назарда тутилмоқда.

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2002 й. - № 12. - 215-модда.

## **1.2. Олий Мажлис Сенати аъзоси –худудий вакиллик палатаси ва қонун чиқарувчи ҳокимият аъзоси сифатида**

Ҳозирги пайтда жаҳон парламентларининг юқори палатаси аксарият ҳолларда “сенат” деб номланиб, бу ном юқори палаталарнинг юридик атамаси бўлиб ҳисобланади. Масалан, АҚШ, Франция, Италия, Польша каби давлатлар парламентларининг юқори палатаси ҳам “сенат” деб, Мексикада эса “сенаторлар палатаси” деб номланади.

Аслида, “сенат” атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, қадимги Римда илк давлатчилик вужудга келган замонлардан бери давлат ҳокимияти олий вакиллик органининг номи сифатида ишлатилиб келинган. Унинг луғавий маъноси “оқсоқоллар кенгаши” ҳамда “маслаҳат органи” деган маъноларни англатади.

Мамлакатимиз қонунчилиги Сенатнинг алоҳида мутлоқ ваколатларни белгилаш билан бирга палаталарнинг биргаликдаги ваколатларини Конституция, конституциявий қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамлаб қўйилиши орқали парламентнинг демократик талабларга тўлиқ мос келадиган ўзига хос конституциявий-ҳуқуқий моделини яратишга муваффақ бўлинган.

Иккинчи томондан эса ҳар бир палатанинг шакллантириш тартибини алоҳида тартиб ва тамойилларга асосланиши уларни халқ вакиллигини янада кенгроқ таъминланишига имкон яратган. Бу борада “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамалкатни модернизация қилишда сиёсий партияларни ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунлар, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлар парламент юқори палатаси фаолиятининг муҳим ҳуқуқий негизини ташкил этади.

Палаталар ўртасидаги муносабатларни бевосита тартибга солишда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамиятга эга. Олий Мажлиснинг юқори палатаси Сенатнинг ҳуқуқий мақоми ва уни шакллантириш тартибига келадиган бўлсак, бу борада қуйи палатага нисбатан жиддий фарқлар борлигини кўриш мумкин. Чунки, Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органидир, бу хусусияти уни шакллантиришда ҳам кўзга ташланади.

Олий Мажлис Сенати икки поғонали сайловлар асосида шакллантирилади, бундай сайловлар жаҳон парламентаризми тажрибасида кўп учрайди ва бу усул асосан ҳудудий вакилликка асосланган палаталарни шакллантиришда кенг қўлланилади.

Сенатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, *бир томондан*, сайлов ҳуқуқининг конституциявий тамойилларини жорий этишдан иборат бўлса, *иккинчи томондан*, ҳудудлар вакиллигининг энг тажрибали ва обрў-эътиборли номзодлари орасидан муносибларини танлаб олишдир.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонунининг 55-моддасида белгиланган қоидага шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2008 йил 18 сентябрдаги 198-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида Низом”ни қабул қилган <sup>22</sup>.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов яқунлари эълон қилинганидан кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун депутатларнинг қўшма мажлиси ўтказилишини эълон қилади. Марказий сайлов комиссиясининг Қорақалпоғистон

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси 2004 № 2 (8). Б. 71

Республикаси, вилоятлар, шунингдек Тошкент шаҳрида депутатларнинг қўшма мажлисини ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Маҳаллий депутатларнинг қўшма мажлисида раислик қилувчи тавсияси бўйича очик овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгаши сайланади. Оқсоқоллар кенгаши раис ва депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, ёши энг улуғ депутатлардан ва қоида тариқасида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг ҳар биридан бир вакилдан иборат таркибда сайланади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг мажлисида Оқсоқоллар кенгаши ўн бир кишигача бўлган таркибда сайланади. Қўшма мажлисда раислик қилувчи тавсиясига кўра Оқсоқоллар кенгаши таркибига ўз мансаб лавозимига мувофиқ тегишинча Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими киради <sup>23</sup>.

Оқсоқоллар кенгаши давлат ва жамият фаолиятининг турли тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўсатган, сайловчилар томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган энг обрўли депутатларнинг Сенат аъзолигига номзодларини кўриб чиқади.

Фикримизча, мазкур норманинг белгиланиши кейинчалик Сенат аъзолигига сайланиши мумкин бўлган номзоднинг ишчанлик фаолияти, уларнинг ҳар бири сенаторга қўйиладиган талаблар асосида ўзи учун алоҳида мезонларни белгилаб олишга қодирлиги, касб маҳорати ва юксак сиёсий иқтидори, давлат миқёсида фикрлай оладиган инсонларни сайланишига кенг имкониятлар яратади. Қолаверса, айнан шундай Сенат аъзолари парламент фаолияти давомида ҳар икки палата ўртасидаги ўзаро муносабатларда ва унинг мутаносиблигини таъминлаши мумкин.

---

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси 2004 № 2 (8). Б. 71

Сенаторларни сайлашнинг кейинги босқичида яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун Оқсоқоллар кенгашининг Сенат аъзолигига олти номзод бўйича таклифи Оқсоқоллар кенгашининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилгач, бюллетенга олтига Сенат аъзолигига номзод киритилади. Сўнг қўшма мажлисда Сенат аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилади. Муҳокамалар давомида номзодга саволлар бериш, номзодга нисбатан фикрлар баён этилиши мумкин. Ҳар бир номзодлар бўйича муҳокамалар ўтказилганидан кейин уни яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Таклиф этилган у ёки бу номзодлар рад этилган тақдирда бошқа номзодни фақат Оқсоқоллар кенгаши таклиф этиши мумкин <sup>24</sup>.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг овоз беришда қатнашган депутатларнинг эллик фоизидан ортиғи Сенат аъзолигига номзодларни ёқлаб овоз берган бўлса, улар сайланган деб ҳисобланади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса ёки такрорий овоз бериш натижасида белгиланган миқдорда Сенат аъзолари сайланмаган бўлса, Сенат аъзоларининг такрорий сайлови ўтказилади.

Сенатнинг қўмиталари сенаторлар орасидан палатанинг ваколатлари муддатига раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда тузилади. Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенатнинг қўмиталари таркибига сайланиши мумкин эмас. Сенатда регламент, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари, ташкилий-маъмурий масалалар, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, муҳофаза ва хавфсизлик масалалари, ташқи сиёсат масалалари қўмиталари тузилиши шарт. Сенатда бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак. Бугунги кунда Олий Мажлис Сенатида олтига қўмита

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси 2004 № 2 (8). Б. 71

фаолият юритмоқда. Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари палата мажлисида Сенат Раисининг тақдимига биноан сенаторлар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади. Сенат қўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек қўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Сенат қарорлар қабул қилади.

Парламент Сенати ҳам ўз таркибида муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин. Комиссия Сенат мажлисида сенаторлар орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади. Комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади. Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

Олий Мажлис палаталари фаолиятини самарали ташкил этишлари учун уларнинг раҳбар ва ишчи органларини ташкил этиш тартиби мамлакат Конституциясида, палаталар ҳақидаги конституциявий қонунларда, регламентлари тўғрисидаги қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларида батафсил ёритилгани уларни ташкил этишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Сенаторлар муҳокама этилаётган ҳар қандай масалалар юзасидан ўз фикрини, муносабатини эркин баён этиши мумкин. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддаси учинчи бандида депутатнинг ва сенаторнинг дахлсизлик ҳуқуқи мазкур принципдан келиб чиққан ҳолда депутат, сенатор тегишли палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан

ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги мустаҳкалаб қўйилган.<sup>25</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг фаолият соҳалари ва йўналишларининг, бу масаланинг барча жihatларини инобатга олган ҳолда, қонуний асосда конституциявий нуқтаи назардан белгилаб берилиши, уларнинг ишида бир хиллик ва бир бирини такрорлаш эҳтимолини бартараф этишни таъминлайди. Айни вақтда парламент аъзолари орасида ўзаро зиддият ва кибр ҳавога берилиш, низоли вазиятлар вужудга келишининг ҳам олдини олишга имкон беради”<sup>26</sup> деб алоҳида таъкидлаган эди.

Сенатор - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сенатор ҳисобланади.

### **I боб бўйича хулоса**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, улар аъзоларининг ҳуқуқий мақоми, фаолияти ва ўзаро муносабатлари ҳуқуқий асосларига бағишланган мазкур бобдаги тадқиқотлардан муайян илмий хулосаларга келиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳуқуқий асослари, шакллантириш тартиби ва унинг ваколатлари, шунингдек давлат ҳокимияти бошқарувидаги тутган ўрни айрим Европа мамлакатларининг парламентларига ўхшашлиги бу улардан

---

<sup>25</sup> “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда.

<sup>26</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11 –Т.: “ Ўзбекистон, 2003. –Б 223

андоза олинганида эмас, балки ўзбек миллий давлатчилик тараққиётининг маҳсули сифатида эътироф этилиши керак.

Иккинчидан, Олий Мажлиснинг палаталарини қуйи палата, юқори палата деб аталиши амалда бирини иккинчисидан юқори (устун) туришини белгиловчи мезон (изох) деган хулоса келиб чиқишини олдини олиш ҳамда уларнинг шакллантириш тартиблари бошқачалигидан дан келиб чиққан ҳолда Конституциянинг 76-моддаси, иккинчи қисмини “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (депутатлар палатаси) ва Сенатдан (худудий вакиллик палатаси) иборат” таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқлиги таклиф этилмоқда.

Учинчидан, Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи қонунларимизга “депутат – давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловчилар томонидан бевосита сайланадиган ҳамда ушбу органлар ваколатларини амалга оширишда иштирок этадиган, бутун халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи маъсул шахсдир” деган таҳрир таклиф этилмоқда.

Тўртинчидан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонунимизга, Қонунчилик палатаси депутатининг ваколати муддатидан олдин тугатилганда, Марказий сайлов комиссияси раиси бўш турган ўринга ўша округ бўйича энг кўп овоз тўплаган номзодни тайинлаши мумкинлиги масаласини ўйлаб кўриш лозим.

## **II боб. Депутат ва сенатор ваколатининг муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда императив мандатнинг умумий тавсифи**

### **2.1. Чақириб олиш институтининг ҳуқуқий табиати, асослари ва амалга ошириш механизми**

Конституциявий ҳуқуқ фанида мохиятан, депутат ва сенатор ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институти ўз мазмунига кўра, депутатлик (сенаторлик) мандати билан бевосита боғлиқ. Чунки, бирининг мавжуд бўлмаслиги, иккинчисини мавжуд бўлишини истисно қилади. Бошқача қилиб айтганда, чақириб олишнинг ҳуқуқий оқибати бу депутатлик (сенаторлик) мандатидан маҳрум бўлишни англатади.

Агар масалага мантиқан ёндашадиган бўлсак, депутатлик (сенаторлик) мандатини қўлга киритиш асосан конституциявий даражада ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган қонунларда мустаҳкамланганлигини эътиборга олсак, унинг акси ҳам шу даражадаги ҳужжатларда мустаҳкамланиши лозим. Демак, бу институт шубҳасиз конституциявий-ҳуқуқий фанларнинг асосий предмети ва тадқиқот объектидир. Ўз ҳуқуқий табиатига кўра, унинг нормалари конституция, конституциявий қонунлар ва жорий қонунларда ифодаланиши лозим.

Ана шу боис ўрганишни депутатлик (сенаторлик) мандати таҳлилидан бошлаймиз. Аввало, депутатлик мандати муаммоси депутатнинг парламент аъзоси сифатида кимнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини қабул қилишдаги бевосита иштироки билан, фаолиятида ўзига депутатлик мандатини берган сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиши билан бевосита боғлиқ. Ана шу боис конституциявий назарига мос равишда парламентдаги фаолияти

учун депутат ўз сайловчилари олдида ҳуқуқий жавобгар эканлиги келиб чиқади. Сайловчилар депутатларга келгуси фаолиятида ижро этишлари лозим бўлган муайян йўл-йўриқлар бериш ва баъзи ҳолларда уни чақириб олиш, яъни ўзлари сайлов йўли билан топширган депутатлик мандатидан муддатидан олдин маҳрум қилиш масаласини қўйишлари мумкин.

Чақириб олиш институти моҳиятини ўрганишда унинг ҳуқуқий табиати, ҳуқуқий асослари ва амалга ошириш механизмига алоҳида эътибор қаратишимиз муҳим. Чунки, чақириб олиш тартибларини амалга ошириш бўйича миллий ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қонунчилигимиздаги бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни тадқиқ қилиш диссертацияда чақириб олишга доир зарур материалларни йиғиш ва унинг долзарб муаммоларини ҳал этиш бўйича таклифларни шакллантириш имконини беради. Шунингдек, миллий давлатшунос олимларимиз ишларида етарлича эътибор қаратилмаган жиҳатлар кўриб чиқилади, тадқиқот мавзуси бўйича илмий баҳолаш амалга оширилади ҳамда айрим баҳсли ҳолатлар бўйича фикрлар билдириш имкони туғилади.

Ҳозирги пайтда амалдаги қонун ҳужжатларида депутат ва сенаторларни ваколатини муддатидан илгари тугатишни (чақириб олишни) аниқлашда тадқиқ этилаётган институтни тавсифловчи бир неча тушунчалар қўлланилмоқда: “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, “фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш”, “Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш”, “депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш” “депутат ва сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш” ва бошқалар <sup>27</sup>. Шунинг

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2013 йил, 40 б.

учун ҳам бу борада бир хилликка эришиш мақсадида илмий тадқиқотда ҳам худди қонунчиликдаги каби парламент аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш (чақириб олиш) мазкур муаммо турли жиҳатларда ҳар томонлама ёритилиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Масалан, адабиётларда билдирилган фикрлар бўйича ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, чақириб олиш институтини концептуал жиҳатдан белгиловчи учта жиҳат мавжуд: биринчидан, чақириб олиш императив мандатнинг таркибий қисми сифатида; иккинчидан, чақириб олиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида; учинчидан, чақириб олиш бевосита демократия шакли (институти) сифатида. Чақириб олишнинг мазмунини очиб берувчи санаб ўтилган мазкур жиҳатлар депутат ва сайланадиган бошқа шахслар ваколатини муддатидан илгари тугатиш шаклини бошлаш учун асосий шароитларни яратувчи принциплар билан белгиланади.

Ўтган йилларда Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳуқуқий мақоми, ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан ва ўзбек халқининг миллий урф-одат меъёрларидан келиб чиқиб, ҳар жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий асосларига эга бўлди. Депутат ва сенаторларнинг ҳуқуқий мақоми, Конституцияга асосланган бўлиб, 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонунида мустаҳкамланган <sup>28</sup>.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ва тегишли тарзда қафолатланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуидан иборат. Депутатлик ҳуқуқий мақомининг ижтимоий-сиёсий моҳияти шундаки, *биринчидан*, депутат –

---

<sup>28</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005й. - №1. - 8 - модда.

ваколатли халқ вакили, *иккинчидан* – давлат ҳокимият вакили, *учинчидан* эса, коллегиял вакиллик органининг аъзоси.

Депутатлик мақоми билан боғлиқ масалаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши депутатлик фаолиятини тўсиқларсиз ва самарли амалга оширилишини таъминлайди, унинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бир қаторда депутатнинг халқ ва жамият олдидаги мажбуриятини кучайтиради.

Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида”<sup>29</sup> ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”<sup>30</sup> ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”<sup>31</sup> ги қонунларда ва бошқа қонун ҳужжатларда белгилаб берилган.

“Депутат Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига сайланади. Сенатор Сенатнинг ваколатлари муддатига сайланади (тайинланади).

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

у қонунга кўра депутатлик, сенаторлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда;

---

<sup>29</sup> Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 4-5-сон, 60-модда.

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2003 й. -- №9.- 132 – модда

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005.- №1. 8 - модда.

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у чақириб олинган тақдирда;

суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда;

у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

у вафот этган тақдирда;

палата тарқатиб юборилган тақдирда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сенатор этиб сайланган депутати ваколатларининг муддатидан илгари тугатилиши унинг сенаторлик ваколатлари тугатилишига олиб келади.

Алоҳида ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Депутат, сенатор деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас”, деб ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисидаги қонунда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ифодаловчи нормалар ичида конституциявий нормалар алоҳида аҳамиятга эга. Конституциянинг 87-88-моддаларида депутатлар ва сенаторларнинг ҳуқуқий мақомининг умумий асослари, яъни депутатларнинг асосий вазифалари қайд қилиниб, дахлсизлик ҳуқуқи ва депутатлик фаолиятига ҳақ тўлаш каби умумий масалалар тартибга солинган.

Бундай тажриба, яъни парламент аъзолари мақоми ҳақидаги боб ҳозирги хорижий давлатлар конституцияларда ҳам мавжуд. Жумладан, Польша Республикасининг Конституциясида мазкур боб “Депутатлар ва сенаторлар”, деб аталади ҳамда 7 моддани (102-108-моддалар) ўз ичига олади <sup>32</sup>. Мазкур моддаларда парламент аъзоларининг мақомини муфассал тартибга солувчи қонунларга ҳаволалар мавжуд.

Парламент аъзоларининг мақоми тўғрисида махсус қонунлар, масалан, Германия Федератив Республикасида (“Германия Бундестаг аъзоларининг ҳуқуқий муносабатлари тўғрисида”ги, 1977 йил қонуни), Польша Республикасида (“Депутат ва Сенатор мандатини амалга ошириш тўғрисида”ги 1996 йил қонуни) қабул қилинган <sup>33</sup>.

Дастлабки даврда депутатлар фаолиятига доир қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг ягона мажмуи мавжуд эмас эди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлик одоби комиссияси тўғрисида” <sup>34</sup> ги Низом, “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Депутатлик одоби қоидалари тўғрисида”ги Низом <sup>35</sup>, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисида”ги Низом <sup>36</sup> ва бошқалар.

Дарҳақиқат, бу қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар депутатнинг нафақат моддий ҳаражатларини кафолатлаш, балким депутат этикаси масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга ҳам қаратилгандир. Фикримизча, ҳозирги профессионал икки палатали парламентга ўтганлигимиз ва Қонунчилик палатаси депутатларини ҳар томонлама ҳуқуқий кафолатлаш

---

<sup>32</sup> Қаранг: Конституции Центральной и Восточной Европы. – М.: 1997. - С. 221-223.

<sup>33</sup> Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. 3. Особенная часть. Страны Европы. М.: 2002. -С. 383, 511.

<sup>34</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутатлик одоби комиссияси тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й. - №1.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Депутатлик одоби қоидалари тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й.- №1.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й. - № 4.

мақсадида қабул қилиниши керак бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар, парламент ислохотлари давридаги муҳим ҳуқуқий жараён ҳисобланади.

Маълумки, 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига сайланади. Шу муддат даврида депутатлар ўзларига юклатилган вазифаларни қонун асосида амалга оширадилар.

Бу қонуннинг 4-моддасида, депутат Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига сайланади деган тартиб қоида мустаҳкамланган бўлсада, аммо Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қайси вақтдан бошланиши ва қайси муддатда тугаши хусусида қоида киритилмаган. Шунинг учун, Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари, янги сайланган Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси кунидан бошланади ва янги чақириқ Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттиришини белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қонунчилик палатаси депутати ўз фаолиятлари даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан бериладиган тегишли гувоҳнома ва кўкрак нишонига эга бўлади. Депутат гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари даврида фойдаланиб, тегишли вазифаларни амалга оширади. Қатор хорижий давлатларда ҳам парламент аъзоларининг фаолияти даврида тегишли органлар томонидан, уларнинг парламент аъзоси эканлигини тасдиқлаб турувчи воситалар топширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларининг ваколатлари муддатидан олдин ҳам тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунига асосан <sup>37</sup>, Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин: депутат ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда; депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда; депутатга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; суд томонидан депутатни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда; депутат чақириб олинган тақдирда; депутат суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда; депутат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда; депутат вафот этган тақдирда; палата тарқатиб юборилган тақдирда <sup>38</sup>.

Ҳозирги чақириқ (2014 йил, апрель ҳолати ) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 150 депутатларининг бир қисми 5та депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланганлиги муносабати билан ваколоти муддатидан олдин тўтатилган, 4та депутат ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма аризаси асосида ваколоти тўтатилган. Сенаторларнинг эса, асосан маҳаллий Кенгашлардаги ваколоти тугатилиши муносабат билан сенаторлиги тугатилган мисоллар мавжуд.

Депутатнинг ваколатлари баъзи ҳолларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин <sup>39</sup>.

---

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й. 1-сон, 8-модда.

<sup>38</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси “Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й. - № 1.- 8 - модда.

<sup>39</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. 2004 й. - №2 (8).- Б.20.

Агар аввалги чақирик тажрибасига қарасак, 25-Ибн Сино сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Ҳамроевнинг депутатлик ваколати бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз аризасига биноан муддатидан илгари тугатилганлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорини <sup>40</sup>, 34-Навоий сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Матлюба Бурхонованинг депутатлик ваколати ўз аризасига биноан муддатидан илгари тугатилганлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорини кўрсатиб ўтишимиз мумкин <sup>41</sup>.

Умумий олиб қараганимизда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддатларининг олдиндан тугатилиши аксарият ҳолларда ўз аризасига биноан ёки бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан амалга оширилганлигини кузатишимиз мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, Қонунчилик палатаси депутатларига кўплаб ваколат ва қонуний имтиёзлар берилиши билан бирга уларга катта масъулият ҳам юкланади. Депутатларнинг халқ ҳамда давлат олдидаги масъулияти амалда бўлиши учун қонуний чоралар белгиланган. Ана шундай чоралардан бири, депутатнинг ваколат муддати тугамасдан муддатидан илгари чақириб олиш мумкинлигидир <sup>42</sup>.

Республикамизда депутатни чақириб олишнинг қонуний жиҳатдан мустаҳкамланганлиги жамиятда халқ ҳокимиятчилигининг тўла намоён бўлиши ва депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳолатдир. Бу масала “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. 2006. - №1(13). – 38 б.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. 2008. - №1(13). – 29 б.

<sup>42</sup> Қаранг: Хусанов О. Ваколат ва масъулият, у парламент фаолиятининг асосидир// Ҳаёт ва қонун. 2005.- №1. – Б.4 .

палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонунда депутатни чақириб олиш асослари, чақириб олиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиниши, депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш, чақириб олиш масаласи кўрилаётганда депутат ҳуқуқларининг кафолатлари, чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш тартиби, овоз бериш натижаларини аниқлаш, чақириб олиш жараёни билан боғлиқ харажатлар каби масалалар белгилаб қўйилган.

Кўплаб ривожланган давлатларда депутатларни чақириб олиш тўғрисидаги қонун мавжуд эмаслигини таъкидлашимиз мумкин. Яъни, депутатлар ўз фаолиятларини эркин мандат асосида амалга оширадилар. Бу эса фақат парламентгина, депутатларнинг ваколати муддатидан олдин тугатилишига сабаб бўлиши мумкин <sup>43</sup>.

Қонунчилик палатаси депутати кўп сонли фуқаролар, партия аъзолари орасидан танлаб олинган, уларга катта ишонч ва умид билдирилган. Уларнинг фаолияти эса фуқаролар тақдирига таъсир қилади. Шунинг учун депутатни чақириб олиш асосли ва ишонарли, таҳлилий далиллар мавжуд бўлганида қўлланиладиган оғир таъсир чорасидир. Бундай ҳуқуқий чоранинг мавжудлиги депутатга ўз фаолиятига масъулият билан ёндашишини, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлиши талабини юклайди.

Депутат қонунларни жавобгарликка олиб келиш даражасида бузса, ўз маънавий дунёси ва ҳатти-ҳаракатлари билан депутатлик номига доғ туширса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси обрўсига путур етказса, ўз депутатлик вазифасини бажаришга масъулият билан ёндашмаса депутатликдан чақириб олинishi мумкин. Депутатни чақириб олиш ҳақида

---

<sup>43</sup> Зулфикаров Ш.Х. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – Б. 68.

қарорда етарли асослар мавжуд бўлганда, Қонунчилик палатаси томонидан қарор қабул қилинади. Бу қарордан сўнг чақириб олиш жараёни бошланади. Бундай қарор қабул қилинишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хусусан, прокуратура органлари томонидан белгиланган тартибда берилган сўровлар ҳам асос бўлиши мумкин. Чақириб олиш таклифи асосли деб топилиб, тегишли қарор қабул қилинганда, ушбу қарор Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Депутатни чақириб олиш ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, прокурор чиқиши мумкин. Марказий сайлов комиссияси депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қарорга биноан шу депутат сайланган округда овоз беришни ташкил этади. Депутатларни чақириб олиш улар сайланган округларда яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади <sup>44</sup>.

Чақириб олинган депутат ҳуқуқи қонунда кафолатланади, чақириб олиш учун асос бўлган материаллар депутатга ҳужжатлар илова қилинган ҳолда хабар қилинишида, чақириб олиш масаласи қўйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, Қонунчилик палатаси сессия ва мажлисларида чақириб олиш масаласи қўрилатганда иштирок этиш ва ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақлилигида намоён бўлади.

Овоз бериш натижалари аниқланиб, баённомага киритилиб, Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпи чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса, депутат чақириб олинган ҳисобланади ёки овоз беришда рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг 33% дан кам овоз беришда иштирок этган бўлса, депутатни чақириб олиш рад этилган ҳисобланади. Овоз беришда ёқланган ва қарши овозлар тенг бўлиб қолган вақтда депутат ўз ваколатини сақлаб қолади. Овоз беришда қонун талаблари бузилган тақдирда такрорий овоз

---

<sup>44</sup> “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й. - № 1.- 12 - модда.

бериш ўтказилиши мумкин. Кечи билан икки ҳафталик муддат ичида овоз бериш натижалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига хабар қилинади. Овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан бошлаб депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади <sup>45</sup>.

Дарҳақиқат, депутатнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш депутатга нисбатан қўлланиладиган оғир мажбурий чорадир. Бу эса депутатлик катта масъулиятли, шарафли касблигидан далолат беради.

Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида ўтказилган “Ижтимоий сўров” натижаларига қарайдиган бўлсак, “Қонунчилик палатаси депутатини ваколат муддатидан олдин чақириб олиш тартибининг мавжудлиги ўзининг қандай аҳамиятига эга”, деган саволга депутатлар қуйидагича жавоб қайтардилар: 83,3 фоизи депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини янада оширади; 10 фоизи депутатларнинг мустақил, эркин ҳаракат қилишларига тўсқинлик қилади; 6,7 фоизи парламент фаолиятига салбий таъсир кўрсатади <sup>46</sup>.

Кўриниб турибдики, Қонунчилик палатаси депутатларининг кўпчилик қисми чақириб олиш институтининг мавжудлигини ижобий тарзда баҳолаб, улар ўз фаолиятини бевосита сайловчилар манфаатларига эътибор қаратишлигидан далолат бермоқда.

Парламентни фаолиятида қўлланиладиган режадан ташқари ротация институтини ҳам эслаб ўтиш лозим. Ротациянинг бундай тури иккита асосан шаклларда амалга оширилади: биринчиси – депутат ёки сенаторни палатадаги лавозимида алмаштириш орқали; иккинчиси – парламентдаги депутат ёки сенаторни ўз мандатидан маҳрум қилиш услубини қўллаш

---

<sup>45</sup> “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й. -№ 1. - 12 модда.

<sup>46</sup> Зулфикаров Ш.Х. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – Б. 68.

орқали ёки парламентни палаталарини тарқатиб юборилганлиги натижасида.

Бунда ротациянинг биринчи шакли қуйидаги асослар бўйича амалга оширилади: депутат ёки сенаторни палатадаги эгаллаб турган лавозимидан чақириб олиш, уни ўз ихтиёрий аризасига кўра палатадаги бошқа иш жойига ўтказиш; депутат ёки сенаторни малака даражасини ўзгарганлигига қараб, иқтидорлигини, қизиқувчанлигини инобатга олиб, шунингдек бўшаб қолган ёки очилган янги иш жойларини тўлғазиш учун уларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш. Мазкур асослар бўйича парламентдаги ротацияни ҳуқуқий тартибга солиниши лавозимни муҳимлигига ва унга қўйилган талабларга қараб фарқланади. Жумладан, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасини Регламентида палата Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш ва лавозимларидан муддатидан илгари озод этиш масаласи махсус тартибга эга ва у тегишли 4, 5-моддаларда алоҳида мустаҳкамланган <sup>47</sup>.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида ўз олдида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегик мақсадини қўйган экан, бунга эришишда мазкур мақсадларга ҳаёт баҳш этадиган ва бунинг учун берилган ваколатлардан самарали фойдаланадиган етарли даражада сиёсий хоҳиш-иродага ва касбий маҳоратларга эга бўлган депутат ва сенаторлар талаб этилади.

Айнан шунинг учун ҳам, Президентимиз давлат фаолиятини самарасини оширишда бошқа барча масалаларни ичида энг муҳими сифатида давлат ходимларини маънавий сифатларига юксалтириш муаммосини қўяди. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, “иқтисодий, айниқса, сиёсий ислохотлар муваффақияти, аввало, бошқарув соҳасидаги

---

<sup>47</sup> Хусайнов У.Ш. Давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ротация институтининг ҳуқуқий асослари:юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – Б. 68.

кадрларни тайёрлаш даражасига, уларнинг бугунги ўзгаришларни амалга ошириш истаги ва лаёқатига боғлиқ”.

## **2.2. Чақириб олиш императив мандат, бевосита демократияни амалга ошириш шакли ва конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида**

Демократик йўлдан ривожланаётган давлатлар конституцияларида парламент ва унинг барча аъзолари бутун миллатнинг вакиллари саналади. Ҳеч ким уларга ваколатларидан ташқари бошқа мажбурият юклай олмайди. Бу халқ вакиллиги институтнинг “эркин мандат” шаклини тавсифлайдиган хусусиятдир.

Профессор А.А.Азизхўжаев таъкидлаганидек, “халқ ўз кўлидаги ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали – Олий Мажлис депутатлари воситасида амалга оширади, улар ўз ваколатларини сайловчилардан оладилар ва ўз фаолиятларида халқ манфаатларини ифода этадилар”<sup>48</sup>. Н.М.Исмоиловнинг фикрича, “Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борган ҳолда, эркин мандатга эга бўладилар. Бундай депутат мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларнинг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди”<sup>49</sup>.

Парламент ишида депутат ва сенаторлар фаолияти шаклларини ўрганар эканмиз, улар фаолияти муайян мақсад ва вазифаларга йўналтирилгандир. Улар фаолиятида узоқ муддатли, жорий ва кундалик мақсадлар йўналтирилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Депутат (сенатор)ларнинг функцияси – бу депутатлик (сенаторлик) мандатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти билан белгиланадиган асосий фаолият йўналишлари бўлиб, уларни амалга ошириш туфайли депутатлар

---

<sup>48</sup> Азизхўжаев А.А. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир. Жамият ва бошқарув, 1997.- №1. – Б.4.

<sup>49</sup> Исмоилов Н.М. Депутатлик халқ ишончи демакдир. – Ўзбекистон овози. 2004, 16 ноябрь.

Ўз олдида турган асосий вазифаларни бажарадилар. Депутат (сенатор)лар фаолиятининг функцияларини амалга ошириш уларнинг ваколатлари билан амалга оширилади.

Фаолият шакллари ва ваколатларини белгилаб берувчи нормалар ўртасида фарқ мавжуд. Биринчи гуруҳ нормалар мақсадларни шакллантиради, иккинчи гуруҳ нормалари эса, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларни беради, шунингдек, улар фаолиятининг асосий ташкилий шакллари белгилаб беради <sup>50</sup>.

Ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари ўз фаолиятларини асосан икки шаклда амалга оширадилар. Бу уларнинг ҳокимият вакиллик органларидаги ва сайлов округидаги фаолиятидир. Депутатлар ўз ваколатларининг асосий қисмини ўзлари сайланган ҳокимият вакиллик органи фаолияти орқали амалга оширадилар.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг қабул қилиниши асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади. Агар, сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқиға эга, деб белгилаб қўйилди <sup>51</sup>.

---

<sup>50</sup> Зиновьев А.В. Конституционное право России: проблемы теории и практики. – СПб.: Издательский Торговый Дом “Герда”, 2000.- С.185-186.

<sup>51</sup> “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 й. -№ 15. - 151-модда.

Дархақиқат, бу қонданнинг мустаҳкамлаб қўйилиши, сиёсий партия фракцияларимизнинг янада фаоллашувига, қолаверса, уларга Қонунчилик палатаси фаолияти жараёнида янада кенгроқ ташаббус ҳамда ваколатлар билан иштирок этишларида зарурий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Қонунчилик палатасининг Спикери ва Спикер ўринбосари лавозимига кўрсатилган номзод, яширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, бевосита сайланган ҳисобланади <sup>52</sup>.

“Ҳар бир депутат нафақат халққа танилиши, балки уни сайловчилари эшитиши ҳам керак. Сиёсатчининг идеал гапи оҳанграболиги, гўзаллиги, нафислиги, мазмунининг чуқурлиги ва услубининг энгиллиги билан ажралиб туриши керак” <sup>53</sup>.

Ҳар бир депутат муҳокамага қўйилган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиши лозим. Айнан парламент ишининг ана шу босқичида депутат иродаси жамоа иродасига айланиб, қонун ёки қарор кўринишида майдонга чиқади. Агарда депутат қарши овоз берган ёки бетараф қолган бўлса, унинг иродаси фақатгина у эгаллаган муносабатни акс эттирувчи индивидуал иродалигича қолади.

Агар, Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолиятига асосланганлигини эътиборга олсак, ички интизомнинг бузилиши Қонунчилик палатаси фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай тартиб ривожланган мамлакатларда конституциявий норма даражасигача кўтарилган. Хусусан, Туркия Конституциясининг 84-

---

<sup>52</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2003 й. -№ 9-10. - 136-модда

<sup>53</sup> Қаранг: Зиновьев А.В. Конституционное право России. - М.: -СПб, 2000. – 190 с.

моддасида бир ой ичида умумий ҳисобда 5та ялпи мажлисларда узрли сабабларсиз иштирок этмаганлиги учун Буюк Миллат Мажлиси аъзолигидан чиқарилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган <sup>54</sup>.

Финландия парламенти Низомига мувофиқ, депутатнинг сессия мажлисларига ўз вақтида ҳамда узрсиз сабабларга кўра келмаганлик, парламент қарорига кўра, мукофот пулидан ёки унинг маълум бир қисмидан ажралиб қолиши мумкин. Агар депутат бундай ҳолатни қайта содир этса депутатлик мандатидан маҳрум қилиниши мумкин <sup>55</sup>.

Профессор С.А.Авакьяннинг фикрига кўра, “Депутат этикасининг муҳим талабларидан бири – бу ўзини ўзи идрок этиш, яъни унинг мустақил бўлиши, бировларнинг сояси остида ҳаракат қилмаслик лозим. Депутат юксак шаън ва кадр- қимматга эга бўлиши лозим. Депутат этикаси ўз олдига бир қанча талабларни қўяди. Жумладан, конунга бўйсиниш, ахлоқ-одоб, виждон талаблари улар олдидаги муҳим вазифа сифатида туради” <sup>56</sup>.

Бу ҳақда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги конуннинг 11-моддасида, депутат одоб қоидаларига катъий риоя этиши лозим, деб кўрсатилган. Депутатнинг, сенаторнинг ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди. Депутатлик одоби бузилган тақдирда депутатнинг хулқ-атвори тўғрисидаги масала тегишли палата томонидан ёки унинг топшириғига биноан палатанинг тегишли органи томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

“Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва

---

<sup>54</sup> Қаранг: Конституции мира: Сб. Конституции государств мира. Сост. У.Таджиханов, А.Саидов. Том - 3, 1997.- 146 с.

<sup>55</sup> Қаранг: Миронов О. О. Конституционный статус депутатов парламентов. Журнал Российского права.1997.- № 4. – 134 с.

<sup>56</sup> С.А.Авакьян. Депутат: статус и деятельность.- М.: Политиздат, 1991.- 72 с.

Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонунида <sup>57</sup>, депутатнинг қонун ҳужжатларини бузганлиги далилларига оид материаллар Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан Қонунчилик палатасининг депутатлик одоби қўмитасига (комиссиясига) ҳулоса тақдим этиш учун топширилади деб белгилаб қўйилган.

Ривожланган мамлакатлар қонунчилигида депутатларнинг совға олиши, ўзига тегишли бўлган шахсий масалаларда овоз бериши, ўзининг шахсий мақсадлари учун парламентдаги фаолияти учун мукофот олишлари тақиқланади. Жумладан, Францияда депутатларни орден билан тақдирлаш тақиқланган, негаки бу орден ҳукумат манфаати учун хизмат қилиши мумкин <sup>58</sup>.

Адабиётларда эътироф этилишича парламент биносида қурол олиб юриш тақиқланган. Чунки касбдошларига нисбатан қўрқитиш ва ҳақорат қилиш ҳолатлари амалга оширилиши мумкин. Бундай чекловлар парламентлар тарихида бевосита кузатилган ҳолатдир. 1640 йилда Британия парламентида муҳим ҳуқуқий актни қабул қилишда, депутатлар ҳатто бир-бирига нисбатан қиличбозлик санъатини ҳам кўрсатишган. 1928 йил Югославия Скупшинасида миллатчи П.Радич ўзининг икки оппонентини отган ҳамда учинчисини ўлиш даражасигача етказган. Шунингдек, Япония парламентида ҳам қизишиб кетган депутатлар муштлашишган .

---

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й. -№ 1.- 12 модала.

<sup>58</sup> Қаранг: Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. М.:Издательское группа «Форум». 1998.- 437 с

<sup>59</sup> Ўша жойда: 438 б.

Юридик фанлар номзоди С.А.Аббосхўжаевнинг фикрига кўра <sup>60</sup>, Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими шаклланиб, Қонунчилик палатаси доимий асосда иш олиб бориши кўзда тутилган. Аммо палата томонидан депутатлик одоби комиссияси ва депутатлик одоби қоидалари бўйича норматив ҳужжат қабул қилинмаган. Келгусида Қонунчилик палатаси депутатининг масъулиятини ошириш учун “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонун талаби асосида “Депутатлик одоби комиссияси тўғрисида”ги Низом ва депутатлик одоби қоидаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дарҳақиқат, С.А.Аббосхўжаевнинг фикрини маъқуллаган ҳолда, ҳозирги парламент ислохотлари ривожланаётган бир пайтда, ушбу низомнинг қабул қилиниши, депутатлар этикасини баҳолашимизда, уларга таъсир чоралари қўлланилишида муҳим омил бўлади.

Россиялик олим М.Красновнинг фикрича <sup>61</sup>, парламентаризм тизимига ўтилар экан, депутатнинг парламент жавобгарлиги, хусусан вакиллик органи иш тартибларини бузган депутатларга чора кўриш тизимини ишлаб чиқиш зарур.

Депутат ва сенаторлар дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Депутат, сенатор ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади. Тегишли палатанинг, халқ депутатлари Кенгашларининг розилигисиз депутат, сенатор жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Депутатни, сенаторни мажбурий келтиришга, шунингдек унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорт воситаларини,

---

<sup>60</sup> Қаранг: Аббосхўжаев С.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш. Юридик фанлари номзодлиги олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент : 2007 . – 133 б.

<sup>61</sup> Қаранг: Краснов М.А. Ответственность в системе народного представительства. М.: Юристь, 1995. – 45 с.

ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади.

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг депутатни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади. Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масалага доир қарори кейинчалик Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг мажлисида, Сенатнинг мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенатнинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг ёки палаталар Кенгашларининг депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Қонунчилик палатасига ёки Сенатга ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатасининг

депутатни, сенаторни дахлсизлик хукуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий хукубузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

Маҳаллий Кенгаш депутатларини дахлсизлик хукуқидан маҳрум қилиш тартиби асосан шунга ўхшайди. Фақат бу ерда депутатлик дахлсизлигидан маҳрум қилиш масаласи ҳақидаги тақдимнома тегишли халқ депутатлари Кенгашларига вилоят, туман, шаҳар ёки юқори турувчи прокурорлар томонидан киритилиши мумкин. Депутатни дахлсизлик хукуқидан маҳрум қилишга рухсатни сессиялар ўртасида ҳоким беради ва бу кейинчалик сессияда тасдиқланиши керак. Депутатлик дахлсизлиги хукуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги прокурорнинг тақдимномасини юқори турувчи прокурор чақириб олиши мумкин.

### **2.3. Хорижий мамлакатларда парламент аъзоси ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институтининг ҳуқуқий асослари**

Бошқа мамлакатларда парламент аъзосининг ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш)га оид масалани қиёсий тадқиқ этиш биринчидан, илмий-назарий аҳамиятга эга, иккинчидан, соҳага оид қонун ҳужжатларнинг қай даражада эканлигини баҳолаш ва амалдаги қонунларни лозим бўлса янада такомиллаштириш учун манба ролини ўташи мумкин, учинчидан ҳуқуқий асосларни амалга ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришда ва айрим камчиликларни олдини олишда асқотади.

Хорижий мамлакатларда сайланадиган шахсларнинг сайловчилар томонидан чақириб олиниши жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб, ўз қонунчилигида чақириб олиш тартиботи белгиланган мамлакатларда ҳам, одатда, ундан маҳаллий даражаларда фойдаланилади.

Бир қатор давлатларнинг қонунчилигида умумдавлат миқёсида чақириб олиш ҳуқуқи тан линмайди (Япония, АҚШ, Швейцария). Бироқ худди шу давлатларнинг айрим субъектларида (кантон, штат ва бошқа) депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи мавжуд.

Масалан, Швейцарияда, одатда, сайловчилар кантональ парламент ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш бўйича умумий овоз бериш орқали қарор қабул қилиши мумкин, яъни бунда депутатларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида чақириб олинади ва улар ўрнига янгилари сайланади. Аризона штатининг Қонунлар тўпламига мувофиқ (19-201, титул 19), оммавий ҳокимиятга сайланган ҳар қандай мансабдор шахс сайловчилар томонидан чақириб олиниши мумкин. АҚШда “тахминан 17та штатда ва

Колумбия округидаги қонунларга биноан муайян лавозимларни эгаллаб турган расмий мансабдор шахслар чақириб олиниши мумкин”<sup>62</sup>.

Хорижий мамлакатлар парламент аъзолари фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, бу аввало депутат билан бевосита боғлиқ бўлган парламент, парламентнинг шакллантирилиши, қандай кишилар депутат бўла олиши мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунинг боиси жамиятдаги ҳар қандай фуқаро ҳам бунга лойиқ деб топилмайди, чунки хорижий мамлакатлар парламентларига депутат бўлишда ҳар қайси давлат қонунчилигида ўзига хос тартиб қоидалар белгиланган ва ушбу талабларга жавоб берган фуқаро депутат бўлиб сайланиши мумкин.

Депутат (лот.deputatus – вакил қилинган, йўлланган) - қонун чиқарувчи ёки бошқа вакиллик органига белгиланган тартибда аъзо қилиб сайланган шахс<sup>63</sup>, деб таъриф берилади. Депутат мандати муаммоси депутатнинг парламент аъзоси сифатида кимнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини қабул қилишдаги бевосита иштироки билан, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиши билан бевосита боғлиқ. Парламентдаги фаолияти учун депутат ўз сайловчилари олдида ҳуқуқий жавобгардир. Сайловчилар депутатларга ижро этишлари лозим бўлган йўл-йўриқлар бериш ва баъзи ҳолларда уни чақириб олиш масаласини қўйишлари мумкин.

Машҳур Француз мутафаккири Ж.Ж.Руссо “Халқ депутатлари халқнинг бевосита вакили бўла олмайдилар, улар фақат ундан ваколат олган кишилардир”<sup>64</sup>, деб ўз даври депутатлари фаолиятига баҳо берган. Императив мандат принципи 1871 йилги Париж Коммунасининг тажрибасига таяниб, мазкур тажрибани ўз қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаган собиқ социалистик мамлакатлар парламентлари

---

<sup>62</sup> Петрова Наталья Алексеевна. Конституционно-правовой институт отзыва в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02 Б. м., 2006. 211 с.

<sup>63</sup> Конституция.- Т.: “Адолат”, 2003.- 21б. (Давлат ва миллат рамзлари).

<sup>64</sup> Руссо Ж.Ж. Трактаты. Москва: Наука, 1969. -222 с .

фаолиятида эътироф этилди. Париж Коммунаси жамиятни сиёсий ташкил этишнинг шундай бир янги типини шакллантирдики, унда депутатлар ўз сайловчиларининг йўл-йўриқларига қатъий риоя қилишлари лозим ва исталган вақтда алмаштирилишлари мумкин эди <sup>65</sup>.

Императив мандат мазмуни ва моҳиятини Россиялик олим С.А.Авакьян шундай таърифлайди: “Императив мандат шароитида уни тавсифлайдиган учта элемент бўлиши мумкин: сайловчиларнинг наказлари (топшириқлар), депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги ҳисоботи, сайловчилар томонидан депутатнинг чақириб олиниши”. <sup>66</sup> Профессор С.А.Авакьяннинг фикрларида ноаниқликлар мавжуд бўлиб, юқорида келтирилган учта элементларнинг барчаси императив мандат учун мажбурийми ёки уни тавсифлаш учун улардан биттаси етарлими, деган муаммони вужудга келтиради.

Н.М.Исмоиловнинг фикрича: “Парламент депутатлари императив мандатга эга бўладилар, яъни улар ўзларининг сайловчилари олдидагина жавобгар ҳисобланадилар. Бу усул, жумладан собиқ тоталитар тузум даврида ҳам қўлланилар эди. Мен ўзим 1985 йилда туман Кенгаши депутатлигига сайланадиган вақтимда сайловчиларим бизга магазин куриб берасиз, деб кўрсатма берган. Сайланганимдан сўнг бу топшириқни бажармаганман. Аммо бундай усул жамиятга катта фойда келтирмайди. Шунинг учун ҳам эндиликда, мустақил Ўзбекистонимизда депутатларнинг мандати эркин ҳисобланади” <sup>67</sup>. Аммо, шунини эътироф этиш керакки, амалда ҳозиргача депутатларни чақириб олиш тўғрисидаги қонун қўлланилмоқда.

Императив мандатни кенгроқ, яъни парламент аъзосининг ўз сайловчиларининг тўғридан-тўғри билдирилган хоҳиш-иродасини

---

<sup>65</sup> Каранг: Конституционное право России. В 3-х томах. М.: Юристъ, 2001.- 637 с.

<sup>66</sup> Авакьян С. Федеральное собрание- парламент России.- М.: «Российский юридический издательский дом», 1999. - 232 с.

<sup>67</sup> Исмоилов Н. Депутатлик халқ ишончи демакдир. – Ўзбекистон овози. 2004, 16 ноябрь.

бажариши, қолган ҳолларда эса эркин ҳаракат қилиш мажбурияти деб тушунган тақдиримизда ҳам императив мандат ғояси жиддий эътирозлар туғдиради. Парламент аъзоси ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини миллий манфаатларга зид деб топса, у мазкур хоҳиш-иродани бажариши ёки истеъфога чиқиши ёки бўлмаса чақириб олиниши лозим.

Америка Қўшма Штатларида, деб таъкидлайди тадқиқотчи А.Токвиль, - “Сайловчилар депутатни сайлагач, уни ўз режалари билан таништириб депутат бажариши лозим бўлган аниқ вазифаларни юклашади. Сайловчилар депутатларни мамлакатнинг равнақи йўлида қандай ишлар қилишини уқтириш билан биргаликда, ўзларининг шахсий эҳтиёжларини бажаришига ҳам умид қилади”<sup>68</sup>. Кўриниб турибдики, сайловчилар ўз манфаатларини билдиришлари билан биргаликда мамлакатнинг ривожига ўз хиссаларини қўшиш умидлари борлигини намоён этиб турибдилар.

Германиялик тадқиқотчи Конрад Хессе эркин мандат тамойилини илмий асослар экан, депутат ўз сайловчилари овоз берган ҳолатни қўллаб-қувватлашга мажбур эмаслигини қайд этади ва “эркин мандат замонавий партиявий давлатчилик билан ноаниқ бир зиддиятга киришади” деган фикрни илгари суради. Бу ерда депутат ўзини қўллаб-қувватлаган партия олдида тобе бўлиб қолишига ишора қилинапти. Депутат партия интизоми, ўзининг парламентда муҳокама қилинаётган масалаларда муносабатини белгилаб берувчи партия фракциялари қарорларига боғланиб қолади <sup>69</sup>.

Депутатларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда биринчи навбатда ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, ўз нуқтаи - назари, ўзининг мустақил фаолият йўналишларини аниқ белгилаб олган ҳолда фаолият юритадилар. Дарҳақиқат, депутатлар ўз вазифаларини

---

<sup>68</sup> Токвиль А. Демократия в Америке. М.: 1992.- 194 с.

<sup>69</sup> Hesse K. Grundzüge des Verfassungsrechts der Bundesrepublik Deutschland.18., erg. Aufl. Heidelberg: Muller, Jur. Verl., 1991. - 241 s. ( см. тажж: Хессе К. Основы конституционного права ФРГ. М.: ЮЛ, 1981. -286 s).

қанчалик ишонч билан бажарар эканлар, уларга шунчалик сайловчилар томонидан хурмат, ишонч ҳисси кучаяди.

Аксарият ривожланган мамлакатларда депутатлар эркин мандатга эга: улар бутун миллат, халқ вакиллари ҳисобланадилар, ҳеч ким уларга ижро этиш мажбурий бўлган йўл-йўриқлар беришга ҳақли эмас; улар муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин эмас <sup>70</sup>.

Таъкидлаш лозимки, бу қоидалар қатор тараққий этган хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ГФР Асосий Қонунининг 38-моддасига мувофиқ, Германия Бундестагининг депутатлари “бутун халқ вакиллари ҳисобланадилар, йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар билан боғлиқ бўлмайдилар ва ўз виждонларигагина бўйсунадилар”. Италия Конституциясининг 67-моддасида: “Парламентнинг ҳар бир аъзоси миллат манфаатларини ифода этади ва ўз вазифаларини императив мандатсиз амалга оширади”, деб белгилаб қўйилган. Франция Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, “Ҳар қандай императив мандат бекор қилинади” <sup>71</sup>. Хорижий мамлакатлар парламентаризми амалиётидан кўриб турибмизки, ушбу давлатларда халқ вакиллари эркин мандат тарзида ўз фаолиятларини амалга оширади ва ҳар қандай императив мандат инкор қилинади.

Эркин депутат мандатининг мазмунини умумий тарзда қуйидагича тавсифлаш мумкин: а) мандат умумий ҳисобланади (яъни сайлов округлари бўйича сайланган депутатлар бутун миллат номидан иш кўради); б) мандат императив эмас, балки факультативдир, чунки уни амалга ошириш мажбурловдан холи (депутат ўз сайловчиларининг фикрини эътиборга олиши шарт эмас); в) мандат чақириб олиниши мумкин эмас; г) мандат ўзини амалга оширишда мандатни берувчининг

---

<sup>70</sup> Қаранг: Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Зерцало, 1997.- 243 с.

<sup>71</sup> Конституция мира: Сб.Конституции государства мира / Сост. У. Таджиханов, А.Х.Саидов/ Т.1-8. Тошкент, 1997. – 134 б.

харакатларини маъқуллашни талаб этмайди (депутатларнинг хоҳиш-иродаси халқ хоҳиш-иродаси билан бирлиги шак-шубҳасиздир).

Шу билан бирга, эркин депутат мандати принципини мутлақлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу ўринда партия рўйхатлари бўйича сайланган депутатлар парламентда овоз беришда кўпинча, ҳатто улар кўрилаётган масала юзасидан бошқача фикрга эга бўлган ҳолларда ҳам партия интизомига бўйсуниб, ўз фракциясининг йўриғида юришга мажбур бўлишларини эътиборга олиш лозим.

Масалан, Ҳиндистонда нафақат партиядан ўз ихтиёрига кўра чиқиш, балки ўзбошимчалик билан овоз бериш ёки партия кўрсатмасига зид равишда овоз беришлик ҳам депутатлик мандатини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин <sup>72</sup>.

Депутатнинг сиёсий партияга мутлақ тобелиги масаласини хал қилишга нисбатан мазкур ёндашувни ижобий ҳолат деб бўлмайди. Зеро, айтини ҳолда императив мандат инкор этилишига қарамай, унинг ўрнига депутатни партияга тобе қилиб қўядиган, унга ўз виждони ва эътиқодларига мувофиқ, партия манфаатларидан эмас, балки миллий манфаатлардан келиб чиқиб иш тутиш имкониятини доим ҳам беравермайдиган партия мандати эътироф этилади.

Маълумки, чақириб олиш ҳуқуқидан сайлов эркинлиги зарар кўради. Сайловчилар депутатни сайлашар экан, унга ишонч билдиришади. Шундай бўлсада, 1999 йил 23 июнда қабул қилинган “Россия Федерацияси Федерация Кенгаши аъзосининг ва Давлат Думаси депутатининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида”ги Федерал Қонунида депутатнинг чақириб олиниши кўзда тутилмаган. Парламент аъзоларининг бундай муносабати улар ўз

---

<sup>72</sup> Каранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. 3-е издание. Тома 1-2. – М.: БЕК, 1999.- 505 с.

сайловчилари олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга бўлгиси келмаётганлигини кўрсатади <sup>73</sup>.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Н.В.Витрукнинг фикрига кўра <sup>74</sup>, “Россия Федерацияси субъекти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг мандати ярим эркин ҳисобланади. Депутат сайловчиларнинг кўрсатмаларини бажаришга мажбур эмас, лекин шу билан бирга депутатнинг ўз мажбуриятларини бажармаганда уни чақириб олиш ҳуқуқи мавжуддир. Депутатни чақириб олиш, унинг ўз вазифаларини бажармаган, депутатлик шаъни ва одобига доғ туширган ҳолларда ҳамда сайловчилар билан алоқани узган пайтдан бошланиши мумкин”.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатининг мандати мазмуни борасида қонунларимизда аниқлик киритиш талаб этилади. Депутат мандатининг эркинлиги ёки императивлиги хусусида норма қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган. Қолаверса, ҳуқуқшунос олимлар орасида Ўзбекистонда парламент аъзолари эркин мандатга эга деган фикрларни учратамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг 25 фоизи ўртасида ўтказилган “Сиз кўпроқ кимнинг манфатларини ҳимоя қиласиз”, деган ижтимоий сўров натижалари бўйича қуйидагича жавоб олдик: 66,7 фоизи умумхалқ манфаатларини; 23,3 фоизи ўз сайлов округидаги сайловчилар манфаатларини; 10 фоизи ўзи мансуб бўлган сиёсий партиянинг манфаатларини. Бундан кўришиб турибдики, аксарият Қонунчилик палатаси депутатлари эркин мандат асосида биринчи навбатда умумхалқ манфаатларини ҳимоя қилар экан <sup>75</sup>.

Мамлакатимизда 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган, “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>73</sup> Қаранг: Мальцев Г., Экимов А. Будет ли настоящий парламент? // Народный депутат. 1992. - №7. - С.28-29.

<sup>74</sup> Российская газета. 1997. 15 январь.

<sup>75</sup> Зулфикаров Ш.Х. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – Б. 68.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида” ги қонуннинг қабул қилинганлиги, императив мандатнинг хусусиятларини намоён этади. Депутат ҳам халқ билан, ҳам сайловчилар билан доимий муносабатда бўладилар.

Қонунчилик палатаси депутати ҳозирги кунда қандай мандат асосида фаолият олиб боришини аниқлаштириш лозим. Шу мақсадда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунга депутатлик мандатини белгилаб берувчи аниқ қонидани киритиш лозим. Бизнинг фикримизча, депутатлик мандатини “ярим эркин мандат” сифатида белгилаб қўйиш, мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки, бизнинг амалдаги қонунларимизда ҳам императив мандатнинг, ҳам эркин мандатнинг асослари мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида, депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туриши бевосита эркин мандатни ифодаласа, ушбу модданинг ўзида, сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин, деб белгилаб қўйилган. Бу эса императив мандатнинг кўринишини ифодалайди.

Хорижий давлатларда депутат ваколат муддатлари турлича. Россия Федерациясида, Беларусь Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Японияда 4 йил; Канадада 5 йил ва бошқа турли муддатлар белгиланган. Қисқа муддат ичида депутат ўз олдида қўйилган вазифаларни амалга ошира олмайди, сайловолди дастурларини тўлалигича рўёбга чиқара олмайди. Жуда узоқ муддат ҳам, яъни 4-5 йилдан ортиқ вақт, депутатнинг ўз сайловчилари билан амалга оширадиган ваколатларини сусайтириб қўяди ҳамда сайловчилар ўз депутатларини унута бошлайдилар <sup>76</sup>. Дарҳақиқат, депутат ваколат муддатининг узоқ бўлиши

---

<sup>76</sup> Қаранг: Авакьян С.А. Федеральное Собрание – парламент России. М.: 1999. - С.68-69.

хам депутатлар фаолиятидаги маъсулиятсизликни келтириб чиқариши мумкин.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланган давлатлар парламент аъзолари парламентда фаолиятларини бошлашларидан олдин, белгиланган тартибда қасамёд қабул қиладилар. Жумладан, Украина Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Украина халқ депутатининг депутатлик ваколатларини Украина Олий Радасида қасамёд қилган кунидан бошлаб тан олади.

Депутатнинг қасамёди ўз мазмунига кўра ўз хохишига биноан мажбуриятларни қабул қилиш ва ўзининг фаолияти билан Украина Республикасига содиқ бўлиши, унинг суверинитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиши, ватан ва фуқароларининг фаровонлиги ҳақида қайғуриши, Конституция ва қонунларга бўйсиниши, юртдошлари манфаатларини кўзлаб иш тутишини назарда тутди. Халқ депутатининг қасамёди депутат мақомини ҳуқуқий равишда ойдинлаштирибгина қолмай, балки бу ахлоқий-сиёсий акт ҳисобланади.

Депутат қасамёд қилишдан бош тортса у ўз депутатлик мандатини ва Украина Республикаси халқ депутати мақомини йўқотади. Аммо, бу ҳолат халқ депутатининг юридик маъсулияти сифатида кўрилмайди, шунингдек, унинг депутат дахлсизлиги принципига ҳам алоқаси йўқ.

Шунингдек, депутат ваколатлари улар палатанинг биринчи мажлисида қасамёд келтирганларидан сўнг бошланади. Польша Республикасида депутатлар қасамёдини бесосита Сейм Маршали олдида қабул қилади. Қасамёд келтириш парламент аъзосининг лавозимига киришишини билдиради, унинг қонунчилик органидаги фаолияти учун жавобгарлигини янада оширади<sup>77</sup>. Литва Республикасининг Конституциясига мувофиқ, сайланган Сейм аъзоси Сеймда Литва

---

<sup>77</sup> Қаранг: Депутат парламента в зарубежных государствах - М.: Юридлит, 1995.- 39 с.

Республикасига содиқлиги ҳақида қасамёд келтирганидан кейингина, халқ вакилининг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Қонунда белгиланган тартибда қасамёд келтирмаган Сейм аъзосининг мандати бекор қилинади. Бу ҳақда Сейм ўз қарорини қабул қилади (59-модда).

Қасамёднинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, депутат шахсан, онгли ва эркин равишда Конституция ва Ўзбекистон қонунларига риоя қилишни тан олади. Қасамёд қабул қилишнинг рад этилиши амалдаги Конституция принциплари ва мазмунига қўшилмаслик сифатида баҳоланади., яъни депутат онгли равишда ваколатини бажаришга ундовчи ўз мандатидан воз кечади. Шунингдек, қасамёд қабул қилган депутатнинг сайловчилар олдидаги маъсулияти, виждонига бўйсинишлиги, ҳуқуқий оқибатнинг мавжудлиги, депутатларга янада ўзига ишонч, сезгирлик ва талабчанлик руҳида фаолият олиб боришида муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

Парламент аъзолари ваколатларининг юзага келиши ва тугатилиши турли мамлакатларда ҳар хил белгиланади. Хорижий мамлакатлар парламентининг амалиёти шунини кўрсатадики, депутатларнинг ваколатлари даври одатда улар сайланган пайтдан, баъзан – қонун ҳужжатларида белгиланган санадан (масалан, АҚШда 3 январь соат 12дан) бошланади <sup>78</sup>. Бунда парламентнинг сайлаб қўйиладиган аъзоси ваколатларини у аъзо бўлган тегишли палата томонидан текшириш зарурлиги назарда тутилади.

## **II боб бўйича хулоса**

Моҳиятан, депутат ва сенатор ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институти ўз мазмунига кўра, депутатлик (сенаторлик) мандати билан бевосита боғлиқ. Депутатлик (сенаторлик) мандатини қўлга киритиш конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган қонунларда мустаҳкамланганлигини боис у

---

<sup>78</sup> Каранг: Конституционное ( государственное право) зарубежных стран: В 4 т. Тома 1-2. Часть общая.М.: БЕК, 2000.- 501 с.

конституциявий-ҳуқуқий фанларнинг асосий предмети ва тадқиқот объекти ҳисобланади

Амалдаги қонун ҳужжатларида депутат ва сенаторларни ваколатини муддатидан илгари тугатишни (чақириб олишни) аниқлашда тадқиқ этилаётган институтни тавсифловчи бир неча тушунчалар қўлланилмоқда: “давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, “фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилиши”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юбориш”, “Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш”, “депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш” “депутат ва сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш” ва бошқалар <sup>79</sup>. Шунинг учун ҳам бу борада бир хилликка эришиш лозим.

Чақириб олиш институтини концептуал жиҳатдан белгиловчи учта жиҳат мавжуд: биринчидан, чақириб олиш императив мандатнинг таркибий қисми сифатида; иккинчидан, чақириб олиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида; учинчидан, чақириб олиш бевосита демократия шакли (институти) сифатида.

Депутатлик ҳуқуқий мақомининг ижтимоий-сиёсий моҳияти шундаки, *биринчидан*, депутат – ваколатли халқ вакили, *иккинчидан* – давлат ҳокимият вакили, *учинчидан* эса, коллегиял вакиллик органининг аъзоси.

Қонунчиликда ваколат муддатига сайланади деган тартиб қоида мустаҳкамланган бўлсада, аммо Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари қайси вақтдан бошланиши ва қайси муддатда тугаши хусусида аниқ қоида киритилмаган. Шунинг учун, Қонунчилик палатаси депутатининг ваколатлари, янги сайланган Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси кунидан бошланади ва янги чақириқ Қонунчилик

---

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, Ўзбекистон, 2013 йил, 40 б.

палатасининг биринчи мажлиси иш бошлагунга қадар ўз фаолиятини давом эттиришини белгилаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги чақириқ (2014 йил, апрель ҳолати ) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 150 депутатларининг бир қисми 5та депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланганлиги муносабати билан ваколати муддатидан олдин тўтатилган, 4та депутат ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма аризаси асосида ваколати тўтатилган. Сенаторларнинг эса, асосан маҳаллий Кенгашлардаги ваколати тугатилиши муносабат билан сенаторлиги тугатилган мисоллар мавжуд.

Парламентни фаолиятида қўлланиладиган режадан ташқари ротация институтини ҳам мавжуд.

Хорижий мамлакатларда сайланадиган шахсларнинг сайловчилар томонидан чақириб олинishi жуда кам учрайдиган ҳолат. Айрим давлатлар қонунчилигида умумдавлат миқёсида чақириб олиш ҳуқуқи тан олинмайди (Япония, АҚШ, Швейцария).

Императив мандат мазмуни ва моҳиятини очувчи учта элемент мавжуд: сайловчиларнинг нақазлари (топшириқлар), депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги ҳисоботи, сайловчилар томонидан депутатнинг чақириб олинishi. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатининг мандати мазмуни борасида қонунларимизда аниқлик киритиш талаб этилади.

## **Ш боб. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш жараёнини амалга оширишга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалари**

### **3.1. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) асосларининг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари**

Парламент аъзолари – у ёки бу асосларда парламент аъзоси ҳуқуқига эга эга шахслар. У турли мамлакатларда турлича номланади. Это лица, состоящие по тому или иному основанию членами парламента. Называются они в разных странах различно, причем наименования эти не всегда кажутся логичными. Буюк Британия Жамоалар палатаси (қуйи палата) мажоритар сайлов тизими бўйича нисбий кўпчилик овоз билан умумий ҳамда тўғридан-тўғри сайлов йўли билан сайланади. Лордлар палатаси (юқори палата) эса аксинча сайланмайди. Масалан Буюк Британияда фақат қуйи палата – Жамоалар палатаси аъзолари парламент аъзолари саналади (MPs - Members of Parliament). АҚШда конгрессменлар – Конгресс аъзолари эмас, балки Вакиллар палатаси тушунилади.

Ҳозирги даврда барча омилларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, халқ вакиллиги деганда барча сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаган шахсларни тушунамиз. Бу нуқтаи назарда бош, дастлабки, бирламчи ташкилий омил бўлиб, уларнинг сайланиши ва ваколатни халқ номидан ҳосил бўлиши ҳисобланади. Шундай қилиб, мантиқан қараганда халқ (аҳоли) томонидан сайланган шахс ҳаракат ва қарорларида улар иродаси ва манфаатларини намоён этишга мажбур. Бунга риоя этилмаса-чи, у ҳолда қандай конституциявий-ҳуқуқий механизм ишга тушади. Бу механизм қонунчиликда кўзда тутилганми? Агар ушбу механизм тутилган бўлса, у ҳолда қай тартибда амалга оширилади? Ким ташаббус кўрсатади? деган саволлар жуда муҳимдир.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларини ваколатини муддатидан аввал тўхатиш бу улар фаолиятига берилган салбий баҳонинг оқибати бўлиб, уни амалга ошириш ташкилий-ҳуқуқий шакли ва амалга ошириш йўлларида бири уларни, муддатидан аввал чақириб олишдир.

Депутат ва сенаторларни муддатдан аввал чақириб олиш масаласи, 2004 йил 2 декабрдаги “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”<sup>80</sup> ги қонун билан тартибга солинади. Қонунга асосан, депутатни, сенаторни чақириб олишга қуйидагилар сабаб бўлади: депутатнинг, сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини жиной, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиш мумкин бўлган тарзда бузганлиги; депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларни қўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимият вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноҳўя ишлар содир этилганлиги; депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

Қонун ҳужжатларини, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишлича халқ депутатлари

---

<sup>80</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тўплами. Т.: 2007, 230-233-бетлар.

вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан қабул қилинади.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган сўрови ҳам асос бўлиши мумкин. Депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларини бузганлиги далилларига оид материаллар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан тегишлича вилоят, туман, шаҳар прокурорига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатининг депутатлик одоби қўмитасига (комиссиясига) хулоса тақдим этиш учун топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатлик одоби қўмитасининг (комиссиясининг) ва прокурорнинг хулосаларини эшитиш яқунлари бўйича депутатни, сенаторни чақириб олиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши асослилиги ёхуд асосsizлиги тўғрисида қарор чиқаради. Чақириб олиш тўғрисидаги масаласи қўйилган депутатнинг, сенаторнинг ҳамда мазкур масалага доир материалларни ўрганган ва тайёрлаган прокурорнинг фикри халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг (Сенат Кенгашининг) мажлисида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли деб эътироф этилган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органининг тегишли қарори депутатни, сенаторни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор энг аввало тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг

депутати бўлиб, у тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати сифатида чақириб олинади.

Марказий сайлов комиссияси Сенатнинг сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ сенатор тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати этиб сайланган сайлов округида овоз беришни ташкил этади. Бунда овоз бериш депутатни чақириб олиш бўйича ўтказилади. Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг кўшма мажлисида сайланган сенатор депутатлик мақомини йўқотганидан кейин, тегишинча депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайдан эътиборан сенаторлик мақомини ҳам йўқотади.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш билан боғлиқ ҳужжатлар умумий сайловдаги каби давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Ана шу боис чақириб олиш бир мунча ҳаражатли тадбир ҳисобланади.

Сенат Раиси яширин овоз бериш орқали сенаторлар умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғини овози билан муддатидан илгари чақириб олиши мумкин. Сенат Раиси ўринбосарлари Раиснинг топшириғига биноан унинг айрим вазифаларини бажаради ва раис йўқлигида унинг вазифаларини бажаради.

Республикаимиз қонунчилигига мувофиқ, вакиллик органларининг ва уларга сайланган депутатларнинг сайловчилар олдида мунтазам ахборот бериб туриши лозим. Сайловчиларнинг ишончини оқламаган депутатларни эса муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқи мавжуддир. Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатлари 2010 йилда мамлакатимизнинг марказий оммавий ахборот воситаларида парламент фаолияти бўйича 1820 марта <sup>81</sup>, 2011 й. 2500дан ортиқ <sup>82</sup>, 2012 й. 2750 дан ортиқ <sup>83</sup> чиқиш қилдилар.

---

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2006 й. -№ 1. - 14-15 моддалар.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007 й. -№ 1.- 16- модда.

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2013 й. -№ 1.- 45- модда

Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, “Депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туришлари қандай аҳамиятга эга?” эканлиги хусусида фикрлари сўралганда қуйидагича жавоблар гувоҳи бўлдик: 73,3 халқ олдидаги маъсуллиги ва жавобгарлигини янада оширади; 10 фоизи халқнинг депутат ҳақидаги фикрини ижобий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин; 10 фоизи депутатларнинг ахборот бериб туришлари, биринчи галда ўз сайловчиларининг вакили эканлигини эсдан чиқармаслиги; 6,7 фоизи депутатнинг кейинги сайловда ҳам ушбу округдан сайланишига замин яратади. Кўриб турибмизки аксарият депутатлар халқ олдидаги маъсуллиги ва жавобгарлигини биринчи даражага қўяр экан.

Хорижий мамлакатлар олимларининг, депутатларнинг сайловчилар билан муносабатларида юзага келадиган муаммоли вазиятлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари турличадир. Россия Федерацияси Давлат Думаси депутатларининг сайловчилар билан алоқаларини меъёрлаштирар экан, “Федерация Кенгаши аъзоси ва Давлат Думаси депутатининг мақоми тўғрисида”ги Федерал қонуннинг 8-моддаси, 3-қисмида депутат ўз сайловчилари билан учрашувлар пайтида ва оммавий ахборот воситалари орқали ўз фаолиятидан огоҳ этиб бориши таъкидланади.

Дарҳақиқат, юқорида билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни билдириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, Қонунчилик палатаси депутатининг ўз фаолияти бўйича берадиган ахборотларини мажбурият сифатида баҳолашимиз лозим. Акс ҳолда бу ҳолат депутатларнинг қайсидир жиҳатдан ўз бурчи ва вазифасига нисбатан маъсулиятсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Иккинчидан, сайловчиларга фақатгина ўз фаолияти хусусида эмас, балки Қонунчилик палатаси фаолияти бўйича ҳам ахборот бериб туриши фойдалидир. Учинчидан, депутатнинг ўз сайловчилари билан

учрашувлардаги умумий ахборотларини Қонунчилик палатаси тегишли органларида ўрганиб чиқиб, унга ҳуқуқий баҳо бериш.

Дарҳақиқат, депутатларнинг ўз сайлов округида сайловчилар билан муносабатлари депутатлар фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Депутатларнинг ваколат муддатлари қайси жихатдандир сайловчиларнинг ҳукмига ҳаволалиги инобатга оладиган бўлсак, депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Олий Мажлис Регламентининг 62-моддасига кўра, ноябрь, февраль ва май ойларининг охиригача тўлиқ ҳафтаси депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан ишлаши учун мўлжалланади. Қонунчилик палатаси мажлислари вақтида, депутатларнинг сайлов округларида сайловчилар билан олиб борадиган ишлари тўхтатиб турилади.

Агар, Россия, Беларусь, Украина давлатлари парламент аъзолари мақоми тўғрисидаги қонунларга эътибор қаратсак, ушбу қонунларда аниқ қилиб депутатларнинг сайловчилар билан учрашув муддатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Россия давлатининг амалдаги парламент аъзоларининг мақоми тўғрисидаги қонунида, ҳар ойнинг тегишли кунларида Россия Давлат Думаси депутатининг ўз сайловчилари билан учрашув кунлари белгилаб қўйилган <sup>84</sup>.

Бизнинг фикримизча, Олий Мажлис Регламентида белгиланган ушбу қоида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунда ҳам ўз аксини топса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, депутатнинг бевосита сайловчилар билан учрашувлар муддатининг қонунда аниқ қилиб белгилаб қўйилиши, биринчидан, кўпчилик фуқароларимизнинг бу муддатдан хабардор бўлиши имконияти кенгайган бўлар эди. Иккинчидан, қонуннинг

---

<sup>84</sup> О статусе члена Совета Федерации и статусе депутата Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации: Федеральный закон // СЗ РФ. 1999. № 28. Ст. 3466.

устунлиги, муҳимлиги ва айнан кўпчилик томонидан қонунларни ўрганиш даражасининг юқорилиги ушбу хулосага келишимизга сабаб бўлмоқда.

Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси девони томонидан депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ва муддатлари тўғрисида вилоят ва туман( шаҳар) ҳокимларини олдиндан расман хабардор қилиш ҳамда улардан учрашувлар жадваллари ва тегишли маълумотларни олиш тартибини жорий қилиш лозим.

“Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун ўтказиб туриладиган учрашувлар муддатлари ҳақида фикрингиз қандай”? деган ижтимоий сўров натижаларига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, Қонунчилик палатаси депутатлари ўзларининг кўйидаги фикрларини билдиришди: 43,3 фоизи сайловчилар билан ҳар чоракнинг охирида бир марта учрашувлар ўтказиш лозим; 33,3 фоизи сайловчилар билан ҳар олти ойда бир марта учрашувлар ўтказиш лозим; 23,4 фоизи сайловчилар билан йилнинг ҳар уч ойида ўтказиши лозим.

Шу ўринда, жаҳон тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, кўп учрайдиган уч ҳолат ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. Биринчиси - ҳар икки палатанинг тенг ҳуқуқли ва тенг ваколатли бўлиш ҳолатидир. Бу кўринишдаги парламент оқиллаштирилган (рационаллаштирилган) парламент деб аталади ва, масалан, намуна сифатида **Италия** республикасида кузатилади. Парламентнинг ҳар икки палатаси 5 йил муддатга сайланади. Мамлакат конституциясининг 70-моддасига асосан улар “қонун чиқарувчи ҳокимиятни тенг амалга оширади”. Энг муҳим қонун лойиҳалари бўйича тенг сонли кўшма комиссиялар тузилади ва улар орқали қонунлар қабул қилинади. Палаталар орасида кескин рақобат кўзга ташланмайди. Бу кўринишдаги “ҳамкор палаталар” шакли Италияда ғоят ижобий самаралар берган. Кейинги ўн йилликларда мамлакатда қабул қилинган қонунларнинг тўртдан уч қисми ана шу тартибда ишлаб чиқилган.

Иккинчи ҳолат тенг таъсирли ёки “урушқоқ палаталар” шаклида намоён бўлиб, **Франция** парламенти мисолида учрайди ва палаталар орасида муросасиз рақобат билан характерланади. Парламентнинг қуйи палатаси - Миллий Ассамблея 577 та депутатдан ташкил топиб, умумий ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Бикамерализм тизимида етакчи мавқе эгаллайди. Ҳукумат фаолиятини назорат қилади ва унга нисбатан ишончсизлик вотумини эълон қилиши мумкин. Бу эса ҳукуматни “ағдариб юбориш” деганидир. Айни пайтда, ўзи ҳам давлат раҳбари - Президент томонидан тарқатиб юборилиши мумкин.

Сенат эса юқори палата бўлиб, “тафаккур палатаси” деб ҳам аталади. 321 нафар Сенат тўғридан-тўғри бўлмаган билвосита овоз бериш йўли билан, яъни икки босқичда сайловчилар коллежлари томонидан сайланадилар. 9 йил муддатга сайланган Сенат депутатларининг учдан бир қисми ҳар уч йилда янгиланиб турилади. Миллий Ассамблеяга сайланиш ҳуқуқи 23 ёш билан белгилангани ҳолда, Сенатга сайланиш 35 ёш билан чегараланади. Сайловчиларнинг тўғридан-тўғри таъсиридан анча холи бўлган Сенат мамлакат президенти томонидан ҳам тарқатиб юборилмайди. Айни пайтда, ҳукумат истеъфосини ҳам талаб эта олмайди.

### **3.2. Депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тартиб таомилларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий муаммолари**

Замонавий конституциявий-ҳуқуқий доктрина парламент депутатини муайян сайлов округи эмас, балки бутун бир давлат (миллат) вакили сифатида қарайди. Унинг мантиқий хулосаси шуки, императив мандат тақиқланади. Эркин ва императив мандат тарафдорлари ўртасида, афзалликлари хусусида доим баҳс бўлиб келади.

Мандатнинг вужудга келиши, бошланиши сайловдан бошланади. Фаол сайлов ҳуқуқи шуни англатадики, фуқаронинг сайловчилар рўйхатига киритиш, овоз бериш бюллетенини олиш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ у ёки бу ўринга номзод кўрсатиш тўғрисидаги мурожаатини ҳеч ким рад этиш ҳуқуқига эга эмас. Бу фикр депутатларни чақириб олиш ҳуқуқига ҳам, яъни давлат органларини шакллантиришга қаратилган фуқаро таъсири билан боғлиқ бутун комплексга тааллуқлидир.

Қонунда қуйидаги ҳолларда депутатлар ўз ўрнини бўшатиши сабабли янги сайлов ўтказиш татибини белгиланган:

- биринчидан, айрим депутатларнинг ваколатлари ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда;
- иккинчидан, Қонунда белгиланган ҳолларда депутат чақириб олинган тақдирда;
- учинчидан, депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган ҳолларда.

Биринчи гуруҳга сайлов яқунларига кўра сайлов жараёни мобайнида янги сайланган депутатлар ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилгани аниқланган ҳолатлар киради.

Иккинчи гуруҳ депутатни чақириб олиш ҳолатларини ичига олади. Депутатни чақириб олиш-бу ҳокимият вакиллик органи депутатининг

ваколатларини овоз бериш йўли билан ифодаланган тегишли округ сайловчиларининг хошиш-иродаси асосида муддатидан олдин тўхтатиш.

Ўзбекистон Республикасининг “халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатини, Қонунчилик палатаси депутатини ва Олий Мажлис Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ қуйидагилар чақириб олиш учун асос бўлади:

- депутат томонидан жиноий, фуқаролик, маъмурий ёки бошқача қонунда кўзда тутилган жавобгарликка сабаб бўладиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилиши;

- депутат томонидан умум-эътироф этилган ахлоқ, депутатлик этикаси қоидаларини қўпол тарзда бузадиган, депутат номига иснод келтирадиган, ҳамда давлат ҳокимияти вакиллари органлари обрўйсига жиддий путур етказадиган хатти-ҳаракатлар, қилиқлар қилиниши;

- депутат томонидан мунтазам равишда, узрли сабабларсиз Қонунда назарда тутилган вазифаларини бажармаслик, жумладан, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида, ... уларнинг органлари ишида қатнашмаслик, ... уларнинг топшириқларини бажармаслик.

Учинчи гуруҳ субъект муомала лаёқатини йўқотиши билан боғлиқ: депутатнинг ўлими ёки депутат ҳисобланган шахсни муомалага лаёқатсиз деб топиш. Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 33-моддаси муайян ҳолатларда фуқарони бедарак йўқолган деб топиш мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, махсус депутатлик ҳуқуқ лаёқати фуқароликнинг бекор қилиниши ва депутат бўлган шахсга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кириши натижасида йўқотилиши мумкин.

Учрайдиган яна бир ҳолат тегишли (маҳаллий даражада) Кенгашда депутат бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиш. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ депутатлик ваколатларининг муайян лавозимлар билан мос келмаслиги бунга

мисол бўла олади. Депутатлик ваколатларини ихтиёрий тарзда зиммасидан соқит қилиш ҳам шунга тааллуқлидир.

Депутат ва сенаторлар парламент аъзоси юксак номни обрўсизлантирувчи хатти-ҳаракатлари, унинг давлат тузилиши асосларига, ижтимоий-сиёсий вазиятни мушкуллаштиришга, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонунга мувофиқ қабул қилинган қарорларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ғайри конституциявий ҳаракатни содир этиши ёки шундай ҳаракатларга даъват этиши шундай масаланинг қараб чиқилиши учун асос бўлиши мумкин.

Қонунчилик депутат ва сенаторларга кўплаб ваколат ва қонуний имтиёзлар бериш билан бирга уларга катта масъулият ҳам юклайди. Депутатларнинг халқ ҳамда давлат олдидаги масъулияти амалда бўлиши учун қонуний чоралар белгиланган. Ана шундай чоралардан бири, депутатнинг ваколат муддати тугамасдан муддатидан илгари чақириб олиш мумкинлигидир.

Республикамизда депутатни чақириб олишнинг қонуний мустаҳкамланганлиги халқ ҳокимиятчилигининг тўла намоён бўлиши ва депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини тасдиқловчи ҳолат деб айтиш мумкин. Бу масала 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонунда депутат ва сенаторларни чақириб олиш асослари, чақириб олиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш, депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш тартиби, чақириб олиш масаласи кўрилаётганда депутатнинг ҳуқуқларини кафолатлари, чақириб олиш бўйича овоз беришни ўтказиш тартиби, овоз бериш натижаларини аниқлаш, чақириб

олиш жараёни билан боғлиқ харажатлар каби масалалар аниқ белгилаб кўйилган.

Қонунчилик палатаси депутат ва сенаторлар сайлангунга қадар мураккаб жараёнларни бошидан кечиради. Ҳар бир депутат ва сенаторлар ортида сайловчилар, сиёсий партиялар туради. Улар кўп сонли кишилар орасидан танлаб олинган, уларга катта ишонч ва умид билдирилган. Уларнинг фаолияти эса кишилар тақдирига таъсир қилади. Шунинг учун, депутат ва сенаторлар чақириб олиш, асосли ва ишонарли, аҳамиятли далил ва асослар бўлганда, охириги чора сифатида қўлланиладиган оғир таъсир чораси ҳисобланади.

Депутат ва сенаторлар қонунларни жавобгарликка олиб келиш даражасида бузса, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан депутат ва сенатор номига доғ туширса, Олий Мажлис обрўсига путур етказса, ўз депутат ва сенаторлик вазифасини бажаришга масъулият билан ёндашмаса депутатликдан чақириб олиниши мумкин.

Қонун ҳужжатларини, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутат ва сенаторни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишинча халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан қабул қилинади.

Депутатни, сенаторни чақириб олиш масаласини кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва прокуратура томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган сўрови ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларини бузганлиги далилларига оид материаллар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) томонидан тегишинча вилоят, туман, шаҳар прокурорига ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг

депутатлик одоби қўмитасига (комиссиясига) хулоса тақдим этиш учун топширилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Сенат Кенгаши) депутатлик одоби қўмитасининг (комиссиясининг) ва прокурорнинг хулосаларини эшитиш яқунлари бўйича депутатни, сенаторни чақириб олиш ҳақидаги масаланинг қўйилиши асослилиги ёхуд асосsizлиги тўғрисида қарор чиқаради.

Чақириб олиш тўғрисидаги масаласи қўйилган депутатнинг, сенаторнинг ҳамда мазкур масалага доир материалларни ўрганган ва тайёрлаган прокурорнинг фикри халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг, Қонунчилик палатасининг ёки Сенатнинг (Сенат Кенгашининг) мажлисида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли деб эътироф этилган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органининг тегишли қарори депутатни, сенаторни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Мазкур қонуннинг 3-моддасига кўра, тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор энг аввало тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутати бўлиб, у тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органининг депутати сифатида чақириб олинади.

Марказий сайлов комиссияси Сенатнинг сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарорига мувофиқ сенатор тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органи депутати этиб сайланган сайлов округида овоз беришни ташкил этади. Бунда овоз бериш депутатни чақириб олиш бўйича ўтказилади.

Тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисида сайланган сенатор депутатлик мақомини йўқотганидан кейин, тегишинча

депутатни чақириб олиш бўйича овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан эътиборан сенаторлик мақомини ҳам йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторни чақириб олиш қонунда назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланган сенаторни чақириб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан амалга оширилади. Депутатни чақириб олиш ҳақида қарор етарли асослар бўлганда, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Бу қарордан сўнг чақириб олиш жараёни бошланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси чақириб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш масаласини ўз ташаббуси билан ҳам ҳал қилиши мумкин. Шунингдек, бундай қарор қабул қилинишига ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар ва прокуратура органлари томонидан белгиланган тартибда берган сўровлари ҳам асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг қонун ҳужжатларини бузгани ҳақида маълумот Қонунчилик палатаси томонидан Республика Бош прокурорига дастлабки тарзда кўриб чиқиш, шу масала юзасидан Қонунчилик палатаси депутатлик одоби кўмитасига (комиссия) хулоса тақдим этиш учун топширилади. Прокурор хулосаси ва депутатлик одоби комиссияси (кўмита) хулосаларини эшитиш якуни бўйича депутатни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур масалани ўрганган прокурор фикри Қонунчилик палатаси мажлисларида эшитилиши мумкин.

Чақириб олиш таклифи асосли деб топилиб, тегишли қарор қабул қилинганда, ушбу қарор Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Депутатни чақириб олиш ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар раҳбарлари, прокурор чиқиши мумкин. Чақириб олиш тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси томонидан прокурор ва депутатлик одоби комиссия (кўмита) хулосаларига асосан қабул қилинади.

Марказий сайлов комиссияси депутатни чақириб олиш тўғрисидаги қарорга биноан шу депутат сайланган округда овоз беришни ташкил этади. Депутатларни чақириб олиш улар сайланган округларда яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунларига асосан ташкил қилади. Марказий сайлов комиссияси чақириб олиш тўғрисидаги қарорни олгач, ўн кунлик муддат ичида депутатни чақириб олиш бўйича округ комиссиясини тузилишини таъминлайди ва овоз бериш вақти ҳамда жойини тайинлайди. Бу ҳақда қарор қабул қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хабардор қилинади.

Шуни таъкидлаш лозимки, чақириб олинган депутат ҳуқуқи қонун бўйича қафолатланади. Бу чақириб олиш учун асослар мавжуд материаллар уч кун ичида депутатга ҳужжатлар илова қилинган ҳолда хабар қилинишида, чақириб олиш учун масаласи қўйилган депутат сайловчилар билан учрашишга, сайловчиларнинг йиғилишларида, Қонунчилик палатаси сессия ва мажлисларида чақириб олиш масаласи кўрилатганда иштирок этиш ва ўзини ҳимоя қилиб сўзга чиқишга ҳақли эканида намоён бўлади.

Чақириб олиш масаласи қўйилишига сабаб бўлган ёлғон ахборотлар била туриб тақдим этилган бўлса, бундай ахборот тақдим этган шахс қонунга мувофиқ жазоланади. Чақириб олиш ҳақида овоз беришни ташкил қилиш округ комиссияси зиммасига юклатилади. Овоз бериш ўтказиш учун, овоз беришга кечи билан йигирма беш кун қолганда овоз бериш участкалари, кечи билан йигирма кун қолганда участка комиссиялари тузилади. Округдаги сайловчиларнинг рўйхати овоз бериш кунига кечи билан ўн кун қолганда танишиш учун тақдим қилинади.

Чақириб олиш бюллетен асосида ўтказилиб, унда депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, лавозими (машғулотнинг тури) кўрсатилади. Бюллетень матнида “Депутатнинг чақириб олинишини ёқлайман” ва “Депутатнинг чақириб олинишига қаршиман” деган сўзлар

алоҳида-алоҳида ёзилиб, ҳар бир қаторнинг рўпарасига бўш катаклар жойлаштирилади.

Сайловчи шу катаклардан бирига махсус белги қўяди. Овоз бериш участкалари ва комиссияларини тузиш, уларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш қонунга мувофиқ белгиланади. Округ ва участка комиссияларининг ваколатлари чақириб олиш бўйича яқунлар чиқарилгандан сўнг тугайди. Овоз бериш ўтказилган куннинг эртасига округ комиссияси мажлисида овоз бериш натижалари аниқланиб, баённомага киритилади. Баённома Марказий сайлов комиссиясига юборилади. Овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпи чақириб олишни ёқлаб овоз берган бўлса ёки овоз беришда рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками овоз беришда иштирок этган бўлса, депутатни чақириб олиш рад этилган ҳисобланади.

Овоз беришда ёқланган ва қарши овозлар тенг бўлиб қолган вақтда депутат ўз ваколатини сақлаб қолади. Тегишли сайлов комиссиялари округ комиссиясидан олинган баённома асосида овоз бериш натижаларини беш кунлик муддат ичида рўйхатга олади ва бу ҳақда оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилинади. Овоз беришда қонун талаблари бузилган тақдирда такроран сайлов ўтказилиши мумкин. Кечи билан икки ҳафталик муддат ичида овоз бериш натижалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасига хабар қилинади. Овоз бериш натижасида депутат чақириб олинган бўлса, овоз бериш натижалари рўйхатга олинган пайтдан бошлаб депутатнинг ваколати муддатидан илгари тугатилган ҳисобланади. Депутатни чақириб олиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Депутатни чақириб олиш ҳақидаги қарор тегишли асослар бўлганда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинади. Лекин, бу қарор депутатнинг ваколатини тугатмайди. Уларнинг ваколати овоз бериш натижасига кўра тугатилиши мумкин. Қонунчилик палатаси қандай қарор

қабул қилганидан қатъи назар, ҳал қилувчи сўзни сайловчилар айтади. Уларнинг фикри депутатнинг тақдирини узил-кесил ҳал қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзоларининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, алоҳида ҳолларда депутат ваколати Қонунчилик палатаси қарорига биноан тугатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриш учун асос бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, депутатнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш депутатга нисбатан қўлланиладиган оғир мажбурий чорадир. Бу эса депутатликнинг катта масъулият эканини кўрсатади.

О.З.Мухаммаджановнинг эътироф этишича, парламент аъзоларининг сайловчилар билан ўзаро муносабатларини молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш лозим. Бунинг учун эса депутатларнинг вилоятларга, туманларга чиқишлари, у ерда депутатларнинг учрашувларини ташкил этиш учун харажатлар миқдорини, парламент аъзоларининг ёрдамчилари фаолиятини ташкил этишни назарда тутиш мақсадга мувофиқ <sup>85</sup>.

Дарҳақиқат, ушбу таклиф депутатларнинг ўз сайлов округидаги фаолиятига моддий жиҳатдан етарли кафолатлар таъминлашига шарт-шароит туғдирган бўлар эди.

Депутатнинг сайловчилар билан муносабатлари мустаҳкам ва доимий бўлиши лозим, бу фақат парламент томонидан чақириб олиш ҳуқуқини назарда тутмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Бу ҳолат кўпгина ривожланган давлатлар тажрибасида назарда тутилади. Бу муносабат шунинг учун зарурки, депутат мамлакатдаги, сайлов округдаги ҳақиқий ҳолатдан хабардор бўлсин, чунки қабул қилинаётган қонунлар келажакда амалда ижросини топмай қолмасин.

---

<sup>85</sup> Қаранг: Мухамеджанов Омонулла Зокирович. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун. Тошкент: 2004. – 186 б.

### Ш боб бўйича хулоса

Ҳозирги давр конституциявий-ҳуқуқий доктринасига мувофиқ, парламент депутатини муайян сайлов округи эмас, балки бутун бир давлат (миллат) вакили сифатида қаралади.

Агар, депутат ва сенаторлар қонунларни жавобгарликка олиб келиш даражасида бузса, ўз ҳатти-ҳаракатлари билан депутат ва сенатор номига доғ туширса, Олий Мажлис обрўсига путур етказса, ўз вазифасини бажаришга масъулият билан ёндашмаса у чақириб олинishi мумкин.

Қонунни, ахлоқ ва депутатлик одоби нормаларини бузган, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармаётган депутатни, сенаторни чақириб олиш зарурлиги тўғрисидаги қарор тегишли маҳаллий Кенгаш, Қонунчилик палатаси ёки Сенат (Кенгаш) томонидан қабул қилинади.

Чақириб олиш тўғрисидаги таклиф асосли деб эътироф этилган тақдирда давлат ҳокимияти вакиллик органининг тегишли қарори депутатни, сенаторни чақириб олиш бўйича овоз беришни ташкил этиш учун Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Фикримизча Қонунчилик палатаси депутатларини ўз сайловчилари билан учрашувларини ташкил этиш, кўтарилган масалаларни назоратга олиш ва депутатларнинг мукамал ҳисоботларини юритиш, шунингдек, депутатларнинг ўз сайловчилари билан бевосита мулоқотларининг давомийлигини таъминлаш учун масофавий электрон алоқалар тизимини ташкил этиш зарур. Бунинг учун ҳар бир сайлов округида Қонунчилик палатаси депутатининг (партиянинг ҳудудий ташкилотларидан) доимий фаолият юритувчи вакили – ёрдамчиси лавозимини ташкил этиш тақозо этилади.

Юқори билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумийлаштирган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг “Депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари” қисмига тааллуқли қисмларига тегишли қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда олиб борилаётган парламент ислохотларининг туб мазмуни, мавжуд икки палатали Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, парламент фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Чунки ҳар икки палатанинг юқори даражадаги профессионаллигини таъминлаш, айнан улар фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асосларнинг мукамал бўлишига ҳам боғлиқдир.

Президентимиз И.А.Каримов 2013 йил 6 декабрда Конституциянинг 21 йиллиги тантанали маросимида “Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат ҳамда қуйи – Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор” деб таъкидлади.

Илмий тадқиқот натижасида депутат ва сенаторлар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) тартиб таомиллари, уни амалга ошириш жараёнларида вужудга келаётган ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ўрганиш орқали, мамлакатимиз сиёсий тизимида асосий ўринни эгаллаган парламент ва унинг аъзоларининг ҳуқуқий мақомига илмий баҳо берилди ва шу орқали қуйидаги таъриф, хулоса, таклиф ва мулоҳазалар юзага келди:

**1.** Депутат ва сенатор ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институти – конституциявий ҳуқуқ фанида ўз мазмун-моҳиятига депутатлик (сенаторлик) мандати билан бевосита боғлиқ, амалда бирининг мавжуд бўлмаслиги, иккинчисини мавжуд бўлишини истисно қилади. Чақириб олишнинг ҳуқуқий оқибати – депутатлик (сенаторлик) мандатидан маҳрум бўлишдир.

2. Депутат ва сенатор ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институти қуйидаги концептуал жиҳатлардан ташкил топган: 1) чақириб олиш императив мандатнинг таркибий қисми; 2) чақириб олиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси; 3) чақириб олиш бевосита демократия шакли (институти).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳуқуқий асослари, шакллантириш тартиби ва унинг ваколатлари тизимини ўзбек миллий давлатчилик тараққиётининг маҳсули сифатида эътироф этилиши керак. Бунда, Олий Мажлиснинг палаталарини қуйи палата, юқори палата деб аталиши амалда бирини иккинчисидан юқори (устун) туришини белгиловчи мезон (изох) деган хулоса келиб чиқишини олдини олиш ҳамда уларнинг шакллантириш тартиблари бошқачалигидан келиб чиққан ҳолда Конституциянинг 76-моддаси, иккинчи қисмини “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (депутатлар палатаси) ва Сенатдан (ҳудудий вакиллик палатаси) иборат” таҳрирда берилиши мақсадга мувофиқлиги таклиф этилади.

4. Депутат ва сенатор ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) уларнинг ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган ва тегишли тарзда кафолатланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуидан иборат ҳуқуқий мақомидан маҳрум этиш, яъни биринчидан, ваколатли халқ вакили, давлат ҳокимиятининг вакили, коллегиял вакиллик органининг аъзоси мақомидан маҳрум қилишга қаратилган конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликдир.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисидаги” қонуннинг 4-моддасида депутат, сенатор ваколатларининг муддатидан илгари тугатилишига олиб келувчи ҳолатлар келтириб ўтилган. Мазкур ҳолатлар рўйхатига қуйидаги ҳолатни алоҳида қўшиш таклиф этилади: “Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ

тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас.” Чунки бунга асос биз бу ҳолатни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги қонунларда белгилаб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги ҳолатни рўйхат таркибига киритиб ўтиш лозим деб ҳисоблайман, чунки бу ҳолат ҳам депутат ёки сенаторнинг ваколатини муддатидан аввал тугатишга сабаб бўлади.

**6.** “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисидаги” қонуннинг 13-моддаси 2-қисмида “Тегишли палатанинг розилигисиз депутат, сенатор жиноий жавобгарликка тортилиши, **ушлаб турилиши**, қамокқа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.”лиги белгиланган.

Мазкур нормадаги **“ушлаб турилиши”** деган жумлага истисно тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин: депутат ёки сенатор жиноят содир этиш вақтида воқеа жойида ушланганда ҳолат бўйича дарҳол Бош прокурорга хабар қилиниши лозим ва бу ҳолатда процедура қонунларимизда белгиланган тартибда амалга оширилади. Жиноят содир этилгандан бошлаб Бош прокурор депутат ёки сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш масаласи юзасидан тегишли палатага тақдимнома киритиб розилик олгунига қадар кетган маълум муддат давомида жиноят содир этган депутат ёки сенатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлга олиниши иш юритиш учун зарур бўлса ушлаб турилиши лозим бўлади. Бу ҳолда қонун нормасининг 13-моддаси 2- қисмидаги **“ушлаб турилиши”** жумласидан сўнг **(фақатгина жиноят содир этиш вақтида воқеа жойида қўлга олинганлик ҳолатидан ташқари)** сўзларини киритиш лозимлиги тақлиф этилади.

**7.** Ҳозирги даврда депутат, сенаторлар ва сайланадиган бошқа мансабдор шахслар ваколатини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) масаласи

конституциявий ҳуқуқ фанида анча муаммоли масалалардан бири саналади. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида депутат ва сенаторларнинг сайловчилар олдида бевосита ҳисобдорлиги принциpidан воз кечилганлигида. Бироқ, амалдаги қонунчилигимиз айрим ҳолларда бевосита демократиянинг бундай шаклини қўллашни назарда тутди. Шу боис, депутат ва сенаторларни чақириб олиш масаласи қонун ва қонуности ҳужжатларида ўз аксини топган ва бу масалани конституция даражасида очик қолиб кетган.

**8.** Ҳозирги вақтгача (2014 йил, апрель ҳолати ) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 150 депутатларининг бир қисми 5та депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланганлиги муносабати билан ваколоти муддатидан олдин тўтатилган, 4та депутат ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма аризаси асосида ваколоти тўтатилган. Сенаторларнинг эса, асосан маҳаллий Кенгашлардаги ваколоти тугатилиши муносабат билан сенаторлиги тугатилган мисоллар мавжуд. Моҳиятан, депутат ва сенатор ваколотини муддатидан аввал тўхтатиш (чақириб олиш) институти ўз мазмунига кўра, депутатлик (сенаторлик) мандати билан бевосита боғлиқ. Депутатлик (сенаторлик) мандатини қўлга киритиш конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган қонунларда мустақамланганлигини боис у конституциявий-ҳуқуқий фанларнинг асосий предмети ва тадқиқот объекти ҳисобланади.

**9.** Чақириб олиш институтини концептуал жиҳатдан белгиловчи учта жиҳат мавжуд: биринчидан, чақириб олиш императив мандатнинг таркибий қисми сифатида; иккинчидан, чақириб олиш конституциявий-ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида; учинчидан, чақириб олиш бевосита демократия шакли (институти) сифатида. Депутатлик ҳуқуқий мақомининг ижтимоий-сиёсий моҳияти шундаки, биринчидан, депутат – ваколатли халқ

вакили, иккинчидан – давлат ҳокимият вакили, учинчидан эса, коллегиял вакиллик органининг аъзоси.

**10.** Парламентни фаолиятида қўлланиладиган режадан ташқари ротация институтини ҳам мавжуд. Хорижий мамлакатларда сайланадиган шахсларнинг сайловчилар томонидан чақириб олиниши жуда кам учрайдиган ҳолат. Айрим давлатлар қонунчилигида умумдавлат миқёсида чақириб олиш ҳуқуқи тан олинмайди (Япония, АҚШ, Швейцария). Императив мандат мазмуни ва моҳиятини очувчи учта элемент мавжуд: сайловчиларнинг наказлари (топшириқлар), депутатнинг ўз сайловчилари олдидаги хисоботи, сайловчилар томонидан депутатнинг чақириб олиниши. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатининг мандати мазмуни борасида қонунларимизда аниқлик киритиш талаб этилади. Юқоридагилар билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг қандай мандат асосида фаолият олиб бориши масаласини ҳам қонунчиликда аниқ белгилаб қўйиш лозим. Зеро, амалдаги қонунчиликда ҳам императив мандатнинг, ҳам эркин мандатнинг белгилари мавжуд.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар

1.1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

1.2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т. 7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.

1.3. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

1.4. Каримов И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

1.5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 37.

1.6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 22-б.

1.7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11–Т.: “ Ўзбекистон, 2003. –Б 223

1.8. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамяти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2013 йил 6 декабрь ( <http://uza.uz/oz/politics>).

### II. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 40б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида, 2014 йил 16 апрель, № ЎРҚ–367 ([http://senat.uz/uz/laws/urq-367\\_16.04.2014.html](http://senat.uz/uz/laws/urq-367_16.04.2014.html))

2.3. Ўзбекистон Республикаси “Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й. - № 4-5.- 60-модда.

2.4. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й. - № 12.- 213-модда.

2.5. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2002 й. - № 12. - 215-модда.

2.6. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуни (янги тахрирда) . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й. - № 9-10.- 132-модда.

2.7. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й. - № 9-10. - 136-модда.

2.8. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида” қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2003 й. - № 9-10.- 137-модда.

2.9. Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 8 – модда.

2.10. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 8 –модда.

2.11. Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. 2005 й.- №1.- 12- модда.

2.12. Ўзбекистон Республикаси “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й.- №15.- 151-модда.

### **Ш. Асосий адабиётлар**

3.1. Азизхўжаев А.А. Демократия – халқ хоқимияти демақдир.- Тошкент: Шарқ, 1996.- 226 б.

3.2 Авакьян С.А. Депутат: статус и деятельность.- М.: Политиздат, 1991.- 287с.

3.3. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. М.:Издательское группа «Форум», 1998. -488с.

3.4. Баглай М.В. Конституционное право Российское Федерации. Учебник для юридических вузов.- М.: Издательство группа НОРМА-ИНФРА, 1999. -832с.

3.5. Булаков О.Н. Парламентское право. –М.: Юриспруденция, 2002.-

128с.

3.6. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари. Дарслик. // Муаллифлар

3.7. Зиновьев А.В. Конституционное право России.- М.: « Герда», 2000.-416с.

3.8. Краснов М.А. Ответственность в системе народного представительства. М.: 1995. - 87с.

3.9. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: БЕК,1995.-778 с.

3.10. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: БЕК, 1997. – 764 с.

3.11. Конституция мира: Сб.Конституции государства мира / Сост. У. Таджиханов, А.Х.Саидов/ Т. 1997 том 1-8

3.12. Козлова Е.И., Кутафин О.Е. Конституционное право: Учебник. - М.: Юристь, 2001.- 480 с.

3.13. Любимов А.П. Парламентское право России . Учебное пособие— М.: Маркетинг, 2000. -368с.

3.14. Мустафоев Б., Назаров Қ.,. Ким депутат бўлиши мумкин?, Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 26 б.

3.15. Одилқориев Ҳ . Т. , Тультеев И. Т. Икки палатали парламент. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.- 344 б.

3.16. Парламентаризм: хорижий мамлакатлар тажрибаси/ Тузувчилар: И.Комилов, Ф. Бакаева, А.Абдуллаев, Р.М.Алимовнинг умумий таҳрири остида.- Тошкент: Шарқ , 2004.- 130 б.

3.17. Рижков В.А., Страшун Б.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. М.: Юристь, 1999.- 631с.

3.18. Таджиханов У. Одилқориев Х. Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик.- Т.: Шарқ, 2001.- 752 б.

3.19. Хорижий мамлакат конституциявий (давлат) ҳуқуқи: Ўқув

қўлланма //Маъсул муҳаррир: доцент Д.Қ.Аҳмедов.- Тошкент: ТДЮИ, 2006.- 550 б.

3.20. Исламов З.М Общество, государство, право. В 2-х т. - Тошкент: Адолат, 1997. – 244 с.

3.21. Қаямов Р.Қ,- Узбекистан Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. - Тошкент: Адолат, 1998. - 400 б.

3.22. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи:сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар.- Тошкент:Ўзбекистон, 2001.-384 б.

3.23.Чудаков М.В. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. – Мн.: 2001. – 576 с.

#### **IV. Қўшимча адабиётлар**

4.1. Азизхўжаев А.А. Конституциявийлик тамойиллари ва қафолатлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2002.- №4.-Б. 4-8.

4.1. Аббосхўжаев С.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ишини ташкил этишнинг умумий асослари // Конституция – давлат ва жамият қурилиши ислохотларининг асоси. Илмий-назарий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –Б.271-276.

4.3. Аббосхўжаев С.А. Беков И.Р. Давлат бошқарувини янгилаш шароитида сиёсий партиялар ролини ошириш // ТДЮИ ахборотномаси. – Тошкент, 2007. - №2. - Б 22-23.

4.4. Беков.И. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва сиёсий партиялар. Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт масалалари // Илмий-амалий конференция материаллари.–Тошкент. ТДЮИ, 2004. – Б. 23.

4.5. Исмоилов Н. Депутатлик халқ ишончи демакдир // Ўзбекистон овози. 2004, 16 ноябрь.

4.6. Латифов А. Парламентский контроль в Узбекистане //Право и

политика. М., 2002. - №5. - С. 31-36.

4.7. Миронов О.О. Конституционный статус депутатов парламентов // Журнал Российского права. 1997.- № 4.- 134.

4.8. Мальцев Г., Экимов А. Будет ли настоящий парламент? // Народный депутат. М., 1992.- 123 с.

4.9. Линецкий С. Депутатський імунітет – pro і contra // Юридичний вісник України. – 1999. - № 10. - 11-17 березня.

4.10. Одилкориев Х.Т., Тультеев И.Т. Формирование двухпалатного парламента в Республике Узбекистан // Ҳуқуқ- Право-Law. – Тошкент, 2002. №2.- С.12-15.

4.11. Турсунов А.С. Хориж парламентлари тажрибаси // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2002.- №2.- Б.4-7.

4.12. Турсунов А.С. Сайловларда иштирок этиш ва сайловолди ташвиқот маданияти // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси. Тошкент, 2004. - №4 (10). – Б.16.

4.13. Тультеев И.Т. Правовой статус депутата // Ҳуқуқ- Право-Law. – Ташкент, 2001. -№3.- Б.13 -16.

4.14. Халилов Э.Х. Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асослари ривожини // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2000. - №1.- Б. 17-23.

4.15. Халилов Э.Х. Халқ сайланган депутат халқ дарди билан яшашга масъул // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2000.- №2.-Б. 6-11.

4.16. Халилов Э.Х. Эрта бугундан бошланади // Давлат ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2003.- №1. – Б.3-8.

4.17. Ҳусанов О. Ваколат ва маъсулият, у парламент фаолиятининг асосидир // Ҳаёт ва Қонун. 2005.- №1. – Б.5-8.

4.18. Қудратхўжаев Ш. Парламентчиликда ҳам босқичма-босқич // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2001. - №4. - Б.10-12.

## **V. Диссертация ва авторефератлар**

5.1. Азизхўжаев А.А. Теоретические проблемы правоохранительной деятельности представительных органов государственной власти: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент: ИФиП АН Республики Узбекистан, 1992. – 41с.

5.2. Зулфикаров Ш.Х. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 176 б.

5.3. Рахимов Ф.Х. Теоретические и практические проблемы создания демократического правового государства в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент, 2001.– 43 с.;

5.4. Султанов С.А. Органы государственной власти Республики Узбекистан. Становление и основные этапы развития. (1917 – 1937): Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент: 1994. – 48 с.

5.5. Халилов Э.Х. Становление и развитие высшего законодательного органа государственной власти Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Ташкент: 2000. – 45 б.

5.6. Аббосхўжаев С.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкил этиш: Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2007. – 175 б.

5.7. Мухамеджанов О. З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Тошкент: 2004. – 349 б.

5.8. Петрова Н.А. Конституционно-правовой институт отзыва в Российской Федерации: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.02, 2006, 211 с.

5.9. Данилов И.С. Депутатский (парламентский) мандат в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юр. наук. – М., 2002. – 23 с.

5.10. Нудненко Л.А Конституционно-правовой статус депутата законодательного органа государственной власти в Российской Федерации. –

СПб.: Изд-во “Юридический центр Пресс”, 2004. – 475 с.

5.12. Окулич И.П. Депутат законодательного (представительного) органа государственной власти субъекта Российской Федерации: правовой статус, природа мандата, проблемы ответственности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2003. – 23 с.

5.13. Радченко А.И. Статус народного депутата Украины: проблемы теории и правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Киев, 2005. – 19 с.

5.14. Чернигов И.О. Особенности правового статуса депутата Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации, избранного от политической партии: Автореф. дис. ... д-ри. юрид. наук. – М., 2007. – 22 с.

5.15. Ёрозбаев С.О. Олий Мажлис Сенати кўмита ва комиссиялари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2008. – 177 б.

5.16. Мухамеджанов О. З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини шакллантириш. Юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси . Тошкент: 2004. – 175 б.

## **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

6.1. Каримов И.А. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93- моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига шарҳлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси номига йўллаган хатидаги принципиал мезонлар // Халқ сўзи. – 2006 йил 9 ноябрь.

6.2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. – 2007 йил 31 август.

6.3. И.А.Каримовнинг референдум куни сайлов участкасида берган интервьюсидан 2002 йил, 27 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати жорий архиви, 2002 йил учун ҳужжатлар тўплами. 21-22 бетлар.

## **VII. Интернет сайтлари**

- 7.1. <http://www.press-service.uz>
- 7.2. <http://gov.uz>
- 7.3. <http://www.lex.uz>
- 7.4. <http://www.bdm.uz>
- 7.5. <http://xs.uz>
- 7.6. <http://senat.uz>
- 7.7. <http://eduportal.uz/rus>
- 7.8. <http://www.jstor.org>
- 7.9. [www.slovari.yandex.ru](http://www.slovari.yandex.ru)
- 7.10. <http://www.law.harvard.edu>
- 7.11. <http://www.juristlib.ru>
- 7.12. [ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org)